

Ishonch

**Insonga naf
keltirish —
oliy baxt**

2008-yil 24-iyul
№ 88 (2501)
payshanba

Ijtimoiy-iqtisodiy gazeta * E-mail: ishonch-doverie@mail.ru * Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqqa boshlagan

БИЗНИНГ ЎҚТАМАЛИ



3



«Умид
билан
суқилган
таёқ...»

5



Илонлар салтанати
ёхуд
Боботоғ
аждари

11

Мубтало бўлдим сенга
ёки калима қайтарган
Қирол



13

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида

Республика аҳолисининг даромадлари ва турмуш даражасини янада муттасил ошириб бориш, фуқароларга ижтимоий маддани кучайтириш мақсадида:

1. 2008 йилнинг 1 сентябридан бошлаб бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, стипендиялар, пенсиялар ҳамда ижтимоий нафақалар миқдори ўрта ҳисобда 1,2 баравар оширилсин.

2. 2008 йилнинг 1 сентябридан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ҳудудида энг кам:

иш ҳақи - ойига 25040 сўм;
ёшга доир пенсиялар - ойига 49600 сўм;

ягона тариф сеткаси бўйича бошланғич (нулинчи) разряд - ойига 25040 сўм;

болалиқдан ногиронларга бериладиган нафақа - ойига 49600 сўм;

зарур иш стажига эга бўлмаган кекса ёшдаги ва меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга бериладиган нафақа ойига 30040 сўм миқдоридан белгилансин.

3. Белгилаб қўйилсинки, иш ҳақига қўшилаётган устама ва қўшимча ҳақларнинг барча турлари, шунингдек, пенсиялар, икки ёшгача бўлган болаларни тарбиялаётган оналарга, болали оилаларга бериладиган нафақалар ҳамда энг кам иш ҳақига нисбатан белгиланган компенсация ва бошқа тўловлар 2008 йилнинг 1 сентябридан бошлаб мазкур Фармонда белгиланган энг кам иш ҳақи миқдоридан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади.

4. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги вазирликлари, идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари, бюджетдан молияланадиган ташкилот ҳамда муассасалар

билан биргаликда пенсиялар, нафақалар, стипендиялар, бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг лавозим маошлари миқдорини мазкур Фармон қоидаларидан келиб чиққан ҳолда ўз вақтида қайта ҳисоблаб чиқишни таъминласин.

5. Бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар, нафақа ва стипендияларнинг оширилиши билан боғлиқ харажатлар республика Давлат бюджети ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ҳисобидан амалга оширилсин.

6. Хўжалик ҳисобидаги корхона ва ташкилотлар 2008 йилнинг 1 сентябридан бошлаб мазкур Фармонда белгиланган энг кам иш ҳақи мурофиқ, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва меҳнат сарфини камайтириш ҳисобига иш ҳақи миқдорини оширсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 5 мартдаги ПФ-3972-сонли Фармони (7-банди истисно қилинган ҳолда) 2008 йилнинг 1 сентябридан бошлаб ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

8. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

9. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.М.Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти **И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2008 йил 21 июл

Бир ўлкаки...



Оқсаройда қабул

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов 22 июл куни Оқсаройда Америка Қўшма Штатларнинг мамлакатимиздаги Фавкулдда ва мухтор элчиси Ричард Норландни қабул қилди.

Мамлакатимиз раҳбари ушбу учрашув томонларни қизиқтирган масалалар юзасидан фикр алмашиш учун қулай имконият эканини, 2007 йилнинг ноябр ойида юртимизда иш бошлаган АҚШ элчиси ўтган давр мобайнида Ўзбекистондаги ҳаёт билан яқиндан танишганини таъкидлади.

— Сиз Ўзбекистондаги ҳақиқий вазият ҳақида АҚШга бошқа турли манбалардан етиб борадиган ахборотлардан фарқли бўлган материаллар тўплаш имконига эга бўлдингиз, — деди Ислон Каримов. — Бу ўзаро ишончли ҳамкорликни ривожлантиришда муҳим омилдир.

Р.Норланд самимий қабул учун давлатимиз раҳбарига миннатдорлик изҳор этиб, Ўзбекистон-АҚШ муносабатлари ривожланиб бораётганини таъкидлади. Икки томонлама ҳамкорлик бундан кейин ҳам ўзаро манфаатдорлик асосида босқичма-босқич тараққий этишига ишонч билдирди. Унинг фикрича, айна пайтда мамлакатларимиз ўртасида ўзаро ишончли мустақамлаш, минтақавий хавфсизлик, шу жумладан, Афғонистонни тиклаш билан боғлиқ масалаларда ҳамкорликни ривожлантириш муҳим. Шу билан бирга, Ўзбекистондаги иқтисодий ислохотларни амалга ошириш, гуманитар соҳадаги қўшма лойиҳаларни ижро этиш, инсон ҳуқуқлари соҳасидаги алоқаларни давом эттириш керак.

Учрашувда икки томонлама ўзаро манфаатли муносабатларни янада мустақамлаш билан боғлиқ масалалар юзасидан фикр алмашилди.

(ЎЗА)

Таиланд делегацияси — Ўзбекистонда

Мамлакатимизга ташриф буюрган Таиланд Киrolлиги Ташқи ишлар вазирлиги доимий котибининг ўринбосари Чариват Сантапутра раҳбарлигидаги делегация аъзолари 22 июл куни Ўзбекистон Республикаси савдо-саноат палатаси раиси Алишер Шайхов билан учрашди.

Мулоқот чоғида мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро муносабатлар кўплаб жабҳаларда, жумладан, иқтисодиёт, маданият, фан-таълим, спорт ва сайёҳлик каби кўплаб соҳаларда ривожланиб бораётгани алоҳида таъкидланди. Ўзбекистонда хорижий сармоядорлар билан ҳамкорликда иш юритиш учун яратилган қулай сармоявий муҳит, зарур шароит ва имтиёзлар, изчил давом этаётган хусусийлаштириш жараёни кўплаб давлатлар қатори Таиланд ишбилармонларининг ҳам юртимиз билан ҳамкорликка эътиборини тобора кучайтираётгани

қайд этилди.

— Ўзбекистон — иқтисодиёти барқарор ривожланаётган мамлакат, — деди Ч.Сантапутра. — Ташриф асосида мамлакатингиз барча соҳаларда жадал тараққий этаётганининг гувоҳи бўлдик. Ўзбекистон билан ўзаро ҳамкорликни барча соҳаларда янада ривожлантиришдан манфаатдормиз.

Музокарада мамлакатларимиз ўртасидаги савдо-иқтисодий ва сармоявий алоқаларнинг бугунги аҳволи ва истиқболга доир масалалар юзасидан атрофлича фикр алмашилди.

Таиланд делегацияси аъзолари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги, "Ўзбектуризм" миллий компанияси, Кураш халқаро ассоциациясида ҳам музокара ўтказдилар. Ҳазрати Имом (Ҳастимом) мажмуи, Темурийлар тарихи давлат музейи, Ўзбекистон давлат санъат музейида бўлдилар.

(ЎЗА)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВА КУВАЙТ ДАВЛАТИНИНГ ҚЎШМА БАЁНОТИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов Жаноби Олийларининг таклифига биноан Кувайт Давлати Амири шайх Сабоҳ ал-Аҳмад ал-Жобир ас-Сабоҳ Ҳазрати Олийлари 2008 йил 21-23 июл кунлари расмий ташриф билан Ўзбекистонда бўлди.

Ташриф доирасида икки давлат ўртасида бўлиб ўтган расмий учрашув чоғида Ўзбекистон томонига Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов Жаноби Олийлари ва Кувайт томонига Кувайт Давлати Амири шайх Сабоҳ ал-Аҳмад ал-Жобир ас-Сабоҳ Ҳазрати Олийлари раҳбарлик қилди.

Дўстона, ўзаро ҳамкорлик ва англашув руҳида бўлиб ўтган расмий музокараларда давлатлараро алоқалар юзасидан фикр алмашилди. Уларнинг ҳозирги ҳолатидан қониқиш ҳосил қилиниб, икки дўст мамлакат ва халқлар манфаатига хизмат қилувчи муносабатларни ривожлантириш ва мустақамлаш йўллари муҳокама қилинди.

Томонлар савдо-иқтисодий ва маданий соҳаларда ҳамкорликни ривожлантириш учун қулай имкониятлар мавжудлигини қайд этдилар. Мазкур соҳалар бўйича ҳамкорликни ҳозирги сиёсий алоқалар даражасига кўтаришга, шу жумладан, Кувайтнинг Ўзбекистондаги инвестицияларини ҳамда икки давлат ўртасида ўзаро савдо-сотиқнинг барча шакллари қўллаб-қувватлашга келишиб олдилар. Шунингдек, Ўзбекистон-Кувайт ишбилармонлари ва хўжалик субъектлари ўртасида тўғридан-тўғри алоқалар ўрнатиш ҳамда икки давлат манфаатларига хизмат қилувчи фаолиятни давом эттириш зарурлиги таъкидланди.

Ўзбекистон томони Кувайт араб иқтисодий тараққийёт жамғармасининг икки давлат ўртасида ҳамкорликни ривожлантириш йўлидаги фаолиятини қўллаб-қувватлайди.

Ўзбекистон томони Кувайт Давлатининг Тошкент Ислон университетининг янги биноси қурилиши учун беш миллион АҚШ доллари миқдоридаги ва Ўзбекистондаги 50 та мактабни компьютер билан жиҳозлаш учун берадиган бегараз ёрдамни мамнуният билан қабул қилди.

Томонлар Ўзбекистон ва Кувайт халқлари ўртасидаги тарихий, маданий ва диний яқинликдан келиб чиқиб, ислом маданияти ва илмий меросини сақлаш ва ўрганиш алоҳида аҳамиятга моликлигини қайд этдилар. Икки давлатнинг улкан тарихий, маданий ва диний мероси, уларнинг мусулмон дунёсидаги ўрни ва ислом цивилизацияси ривожига ўшган ҳиссасини инobat-

га олиб, томонлар бағрикенг ва маърифатпарвар исломни тарғиб қилишда ҳамкорликни давом эттириш зарур, деб ҳисоблайдилар ва исломфобиянинг ҳар қандай кўринишини ҳамда терроризм ва экстремизмни ислом билан боғлаб кўрсатишга уринишни қораладилар.

Ташриф давомида томонлар ўртасида қуйидаги ҳужжатлар имзоланди:

- Икки давлат ўртасида қўшма қўмита тузиш тўғрисида битим;

- Икки давлат ўртасида туризм соҳасида ҳамкорлик битими;

- Икки давлат ўртасида соғлиқни сақлаш соҳасида ҳамкорлик битими;

- Икки давлат ўртасида атроф-муҳит ва табиий ресурсларни муҳофаза қилиш соҳасида ҳамкорлик англашув меморандуми;

- Икки давлат ўртасида нефт ва газ соҳасида ҳамкорлик англашув меморандуми;

- Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги билан Кувайт инвестиция агентлиги ўртасида англашув протоколи;

- Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Кувайт араб иқтисодий тараққийёт жамғармаси ўртасида ҳамкорлик тўғрисида англашув меморандуми;

- Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Кувайт араб иқтисодий тараққийёт жамғармаси ўртасида Республика ихтисослаштирилган хирургия марказининг кардиохирургия бўлимини таъмирлаш ва жиҳозлаш бўйича кредит шартномаси.

Халқаро майдондаги сиёсий муаммоларни муҳокама этиш давомида ҳозирги вазият юзасидан фикр алмашиб, томонларнинг нуқтаи назари мос эканлигини қайд этдилар. Шунингдек, БМТ ва бошқа халқаро ташкилотлар доирасида Яқин Шарқ ва Марказий Осиё минтақаларида тинчлик ва хавфсизликни мустақамлаш, терроризм ва унинг турли хил кўринишларига қарши кураш каби икки томон мавқеи ўхшаш ёки яқин бўлган муаммолар юзасидан ҳамкорликни кучайтиришга келишиб олинди.

Кувайт Амири Ҳазрати Олийлари кўрсатилган самимий меҳмондўстлик учун Ўзбекистон Республикаси халқи ва ҳукуматига миннатдорчилик билдирди. Кувайт Давлати раҳбари Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов Жаноби Олийларини Кувайтга расмий ташриф буюришга таклиф этди. Таклиф мамнуният билан қабул қилинди. Ташриф санаси дипломатик каналлар орқали келишиб олинди.

2008 йил 21 июл Тошкент шаҳрида қабул қилинди.

КУВАЙТ ДАВЛАТИ АМИРИ ҲАСТИМОМНИ ЗИЁРАТ ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг таклифига биноан расмий ташриф билан мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Кувайт Давлати Амири шайх Сабоҳ ал-Аҳмад ал-Жобир ас-Сабоҳ 22 июл куни Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.Азимов ҳамроҳлигида Тошкент шаҳридаги Ҳазрати Имом (Ҳастимом) мажмуини зиёрат қилди.

Ҳазрати Имом мажмуасининг тарихимиз, маънавий ҳаётимиздаги ўрни ва аҳамияти бекиёсдир. Юртбошимиз ташаббуси билан ушбу қутлуғ қадамжода кенг қўламли таъмирлаш, қурилиш ва ободонлаштириш ишлари бажарилди.

Олий мартабали меҳмон зиёратни Ҳазрати Имом жомеъ масжиди билан танишувдан бошлади. Ушбу масжид Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов раҳнамолигида яратилган лойиҳа асосида 2007 йили бунёд этилган.

Кувайт Давлати Амири XVI асрда бунёд этилган нодир тарихий обида — Мўйи муборак мадрасасида бўлди. Ўтган йили мадраса биноси тубдан қайта таъмирланиб, Усмон Мусхафи музейига айлантирилди.

Шайх Сабоҳ ал-Аҳмад ал-Жобир ас-Сабоҳ бу ерда муқаддас Қуръоннинг энг нодир қўлёзмасини кўздан кечирди. Маълум-

ки, ушбу мўътабар масканда халифа Усмон даврида (644-656) кийик терисига кўчирилган қадимий Қуръони Карим (Усмон Мусхафи) сақланмоқда.

Олий мартабали меҳмон ушбу ноёб тарихий меъморий обидалар ўзида катта таассурот қолдирганини эътироф этаркан, Ўзбекистонда Президент Ислон Каримов раҳнамолигида буюк аждодлар меросини тиклаш ва янада бойитишга алоҳида эътибор қаратилаётганини, улуғ алома ва азиз авлиёларнинг муқаддас қадамжоларини таъмирлаш ва ободонлаштириш, бой илмий-маданий меросини чуқур ўрганиш, айниқса, ёшлар онг-шуурига сингдириш борасида улкан ишлар амалга оширилаётганини алоҳида таъкидлади.

Кувайт Давлати Амири шайх Сабоҳ ал-Аҳмад ал-Жобир ас-Сабоҳ мажмуанинг мўътабар меҳмонлар китобига дастхат ёзиб қолдирди.

Ташриф ниҳоясига етди

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг таклифига биноан 21 июл куни мамлакатимизга расмий ташриф буюрган Кувайт Давлати Амири шайх Сабоҳ ал-Аҳмад ал-Жобир ас-Сабоҳнинг сафари ниҳоясига етди. Мамлакатимиз Президенти Ислон Каримов 23 июл куни Тошкент аэропортида олий мартабали меҳмонни кузатиб қўйди.

Кувайт Давлати Амирининг мамлакатимизга ташрифи самарали бўлди. Ушбу ташриф, авваламбор, икки томонлама муносабатларга оид барча долзарб масалаларни, ҳамкорликнинг ҳозирги босқичи ва истиқболларини муҳокама қилиш учун яхши имконият яратди.

Ислон Каримов ва шайх Сабоҳ ал-Аҳмад ал-Жобир ас-Сабоҳ Ўзбекистон-Кувайт муносабатларига доир масалалар, томонларни қизиқтирган хал-


қаро ва минтақавий аҳамиятга молик муаммолар юзасидан фикр алмашилди.

Ўзбекистон Республикаси ва Кувайт Давлатининг қўшма баёноти қабул қилинди. Шунингдек, ўнга яқин ҳужжат имзоланди. Ўзаро муносабатларнинг ҳуқуқий асосини янада мустақамлашган ушбу келишувлар икки мамлакат ҳамкорлигини янги босқичга олиб чиқишга хизмат қилади.

(ЎЗА)

Ёруғ ва эркин ҳаёт — асосий мақсадимиз

Ватан манфаатлари, халқнинг орзу-интилишларини ўзида муҳасамалаштирган миллий ғоя миллатнинг куч-қудрати, шон-шухрати, ғурури ва фахр-ифтихор туйғулари орқали намоён бўлади. Ахборот глобаллашуви юз берган, халқаро майдонда ғоявий ва инфорацион курашлар кучайиб бораётган ҳозирги даврда инсонлар онгига миллий ғояни сингдириш, уларни турли хуржлардан химоя қилиш долзарб вазифа ҳисобланади.



Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касба уюшмаси Марказий кенгашининг ЎзКУФК ўқув марказида бўлиб ўтган олтинчи пленуми ана шу масалага бағишланди. Унда Республика Маънавият тарғибот маркази раиси Минҳожиддин Хожиматов, тегишли вазирлик ва идоралар вакиллари иштирок этишди. Ўзбекистон Президентининг «Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самардорлигини ошириш тўғрисида»ги қарори асосида тармоқ касба уюшмаси ташкилотлари томонидан ёшлар ўртасида олиб барилаётган ишлар ва бу борадаги устувор вазифалар ҳақида Марказий кенгаш раиси Носирхон Акбаров маъруза қилди.

— Дунёнинг геополитик, иқтисодий ва ижтимоий, ахборот-коммуникация манзарасида чуқур ўзгаришлар рўй бераётган, турли мафкуралар тортишуви кескин тус олаётган бир вазиятда, Президентимиз алоҳида таъкидлаганидек, фикрга қарши фикр, ғояга қарши ғоя, жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш ҳар қачонгидан

таълим ва фан ходимлари касба уюшмаси ташкилотлари ҳам олий ва ўрта махсус таълим, халқ таълими ҳамда илмий муассасалар ходимлари, айниқса, талабаларнинг ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий манфаатларини ҳимоялаш билан бирга уларнинг дунёқарашини ўстириш борасида муайян ишларни амалга ошироқда. Тегишли вазирликлар, «Камолот» ЁИХ, хотин-қизлар кўмитаси, ички ишлар бўлимлари ва турли жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда ўтган йили 6635 та маънавий-маърифий тадбир уюштирилди. Айни кунда тармоқ таълим муассасаларида, талаба ва ўқувчилар турар-жойларида 10972 та маънавият хонаси замон талаблари асосида жиҳозланиб, чинакам зиё масканига айлантирилган. Шунингдек, таълим муассасаларида турли тўғарақлар фаолият кўрсатмоқда.

Ўтган йили жамоат шартномалари ва келишувлари орқали 1990 нафар ходим ва уларнинг оила аъзолари оромгоҳларда дам олдирилиб, соғломлаштирилди.

Ёшлар йилида тармоқ

Марказий кенгашининг фаолияти ҳар томонлама кенгайиб, «Наврўз ва қадриятлар», «Талабалар баҳори», «Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси» каби фестивал ва танловлар ўтказилди.

Шунга қарамай, бу муҳим йўналишдаги ишлар давр талабига тўла жавоб беради, дейишга ҳали эрта. Жумладан, ўрта махсус таълим муассасаларини тугатган ёшларни мутахассислиги бўйича ишга жойлаштириш, ҳеч қаерда ўқимаётган ва ишламаётган ёшлар масаласи, уларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш каби муаммолар қайд этиб ўтилди.

Пленумда, шунингдек, «Касба уюшмаси тузилмасини такомиллаштириш тўғрисида»ги масала ҳам кўриб чиқилди.

Маъруза юзасидан сўзга чиққанлар миллий ғоя оддий касба уюшма аъзосидан тортиб, барча маърифат фидойиларининг кундалик иш мезонига айланиши зарурлигига урғу бериб, унинг халқни халқ, миллатни миллат қиладиган қудратли куч эканлигини алоҳида таъкидлашди.

Пленумда Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси Кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Мирзохид Содиқов қатнашди ва миллий ғоя тарғиботи бўйича қилиниши зарур бўлган ишлар ҳамда бунда маърифат аҳли, айниқса, касба уюшма фаолларининг ўрни ҳақида гапирди.

Амина ҚОДИРОВА,
«Ishonch» мухбири.
Икром ХАСАНОВ
олган суратлар

«Инсонга наф келтириш — олий бахт» танловига

Ўқтамалини кўпинча хуш-чақчақ кайфиятда кўришга одатланиб қолганмиз. Аслида ҳам у жуда бахтли инсон. Катта ҳаёт йўлини босиб ўтган ота-онаси Йўлдош ота билан Равшаной аянинг дуоларини олаятти, рафикаси Хосиятхон билан фарзандлари набира-ларнинг камолини кўраятти.

Ҳамкасбим ўзи ўқиган билим даргоҳи — Чуст sanoat, транспорт ва алоқа коллежида йигирма йилдан бери ишлайди. У олий маълумотли муҳандис-педагог, биринчи тоифали ўқитувчи. Қатор ўқув-услубий ишланмалар муаллифи. Икки йилдирки, коллеждаги «Авто-транспорт» бўлимини бошқариб келмоқда.



Бизнинг Ўқтамали

Ўқтамали коллежда олий ўқув юртларидаги ижодий муҳитни қарор топтириш учун бир неча йилдан бери жон куйдиради. У Наманган давлат университети ва муҳандислик-педагогика институти билан ҳамкорликда таълим-тарбия ишларини такомиллаштиришга оид семинарлар ўтказишда ўқув бўлимига доимо мададкор.

Таҷрибали педагогнинг касба уюшмаси ташкилоти раиси сифатидаги фаолияти ҳам ибратлидир. Инсон меҳнатини қадрлашни Ўқтамалидан ўрганиш керак. У ҳар бир ходим, ҳар бир ўқувчининг оддий ютуғини ҳам эътиборсиз қолдирмасликка интилади.

Касба уюшма етакчисининг кексаларга эҳтироми алоҳида эътиборга лойиқ. Байрамлар муносабати билан ёзиладиган дастурхон тўри ҳамиша нурунийларга ажратилади. Ёдгор Умаров, Рўзимат Салимов, Жўравой Ҳақимов, Барнохон Аҳмедова сингари устозларнинг жўшқин ҳаёти ёшларга ибрат қилиб кўрсатилади.

Албатта, ҳаёт фақат қувончлардан иборат эмас. Одамнинг бошида ҳар хил ташвишлар бўлади. Энг оғири — яқин одамнингдан айрилиш. Ўқтамали бундай лаҳзаларда кўнгил сўрашга шошилади, моддий ёрдам уюштиради.

Яқинда кам таъминланган бир ходимимизнинг фарзанди ҳаётдан кўз юмди. Ўқтамали дарҳол жамоани йиғиб, ҳамкасбларнинг ихтиёрий кўмаги билан маърақани ўтказиб берди.

Ўқтамали коллеж яқинида яшовчи Мухаррам Машариповнинг энг меҳрибон кишисига айланиб қолган. Деярли ҳар кун она-хоннинг кам-кўстидан хабар олади. Кам таъминланган ходимлар, отасиз ёхуд онасиз талабалар ҳақида кўп қайғуради. Қутлуг айёмларда уларни совғасиз қолдирмайди.

Унинг елиб-югуриши билан ўтган йили кам таъминланганларни ижтимоий ҳимоялаш учун маъмурият ҳисобидан 460 минг сўм, касба уюшмасидан эса 200 минг сўмдан кўпроқ маблағ сарфланди.

Ўқтамали табиатан бағрикенг, очикқўнгил инсон. Шу фазилатлари унинг етакчилик фаолиятида қўл келади. Касба уюшма аъзоларини ягона мақсад атрофида бириктира олади. Лекин ҳар ишда меъёр бўлишини талаб қилади.

Яқинда ишхонага хуш кайфиятда кириб келди: — Акалар, иккита ош мендан, вақтини айтсаларинг бўлди, — деди биз билан бирма-бир кучоқлашиб сўрашаркан.

Ҳайрон бўлди. Ҳамкасбимиз қувонган лаҳзаларида одатда «битта ош мендан» дерди. Ажабланганимизни сездими, ўзи ёрилди:

— Бирданига ўғлим ҳам, қизим ҳам фарзандли бўлишди. Дил-дилимиздан қувондик: «Шундай бахтли онларингиз кўпроқ бўлаверсин», — деган тилак билдирдик.

Ҳа, бизнинг Ўқтамали ана шундай: қувончини ҳамиша ҳамкасблари билан бўлишадиган инсон.

Абдусаттор АҲМАДАЛИЕВ,
Чуст sanoat, транспорт ва алоқа коллежи ўқитувчиси

Воҳанинг очил дастурхони

Табиат қийинчиликларини мардонавор енгиб ўтган қашқадарёликлар 152 минг гектар суғориладиган, 63 минг гектар лалми майдонларда деҳқончилик қилиб, 750 минг тонналик хирмон кўтардилар. Қисқа муддатда қабул пунктларга 380 минг тонна дон сотилган бўлса, шундан 41 минг тоннасини уруғлик ташкил қилади. Дастлабки ҳисоб-китобларга қараганда, воҳанинг ғаллачилик билан шуғулланадиган 18387 та фермер хўжалиги давлатга бултургига нисбатан 44 минг тонна кўп дон топширишга эришган.

Ялпи ҳосилни 48 минг тоннадан оширган Миришкор туманида эл-юрт дастурхонига барак киритаётган фермерлар кўп. Хусусан, 53 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 60 центнердан хирмон уйган «Янгибой» фермер хўжалиги раҳ-

бари Мухтор Шаропов жамоанинг 15 нафар аъзосига 2 тоннадан, кам таъминланган оилаларга эса 200-300 килограммдан дон тарқатди. Косон туманидаги Раҳматулла Шодмонов бошчилик қилаётган «Тўлга» фермер хўжалиги ҳам ҳосилдорликни гектар бошига 56 центнерга, ялпи хирмонни 280 тоннага етказди. Қарши туманидаги «Ҳасанов Ҳамза Пардаевич» фермер хўжалиги эса давлатга 71 тонна сара уруғлик дон топшириб, шартнома режасини ошириб адо этди.

Бир сўз билан айтганда, суюғи жазирама иссиқ остидаги меҳнатда қотган воҳа ғаллакорларининг юзи бугун юрт дастурхонига қўшилган муносиб улусдан шодмон.

Иzzат ХИКМАТОВ,
«Ishonch» мухбири




Хар бир фикр — одам тириклигининг аломати. Зотан, тафаккургина башариятни Асл Моҳиятга етаклай олади. Шундай экан, одамнинг ўз-ўзи ҳамда Тангри (ёки бошқача айтганда, Борлиқ ва Йўқлик) билан муносабати ҳақидаги хар бир ўй қадрлидир.

Фалсафа фанлари доктори, профессор Виктор Алимасовни ўқувчилар яхши танишади, албатта. У кишининг хоҳ китобларида бўлсин, хоҳ матбуотда эълон қилинган асарларида бўлсин, ягона савол мужассам: Одам ким (унинг кечаси қандай эди, бугуни нега бундай, эртаси қанақа бўлади?)?

Шарқ ва хориж фалсафасини чуқур ўрган(аёт)ган Виктор ака билан ҳамфикрликда муштарийларимиз учун янги саҳифа — «Тафаккур Иқлими»ни ташкил этишимиздан мақсад битта: одамзотга ўз моҳияти ҳақида эслатиш, унинг ўзи ҳақида фикр юритиши учун бир таклиф бериш. Бу саҳифа — сизнинг ўз Кўзгунгиз бўлишига ва бир лаҳза бўлса-да Тафаккур Иқлимида яшамоғингиз учун имкон ҳосил этишига умид қиламиз. Шунинг учунки, одамият моҳиятидаги Асл Жавҳар Уфқиға, ҳеч шубҳасиз, Рух ва Тан муҳорабаси кесишган сўкмоқлардан ўтиб борилади.



Виктор АЛИМАСОВ, фалсафа фанлари доктори, профессор



Жинслараро муносабат (мувозанат)...

Гендер фалсафаси жинслараро муносабатларни тадқиқот объекти қилиб олади. Унинг мақсади жинслараро муносабатларни янада мустаҳкамлашдир. Махсус тадқиқотларда жинслар диморфизми филогенез, онтогенез ва социогенез асоси сифатида қайд этилса-да, у, яъни диморфизм жинслараро муносабатлардаги уйғунликни (яқинликни) инкор этишга қаратилмаган. Ҳа, гендер психологиясида жинслар диморфизмига кенг эътибор берилди, бу борада ниҳоятда кўп кузатишлар ўтказилган. Бироқ ушбу фарқлар, ҳар хиллик инсоннинг яхлитлигига (бутунлигига) раҳна солмаслиги лозим. Гендер диморфизмини ўрганиш жинслар психологиясини, уларда зарур фазилатларни шакллантиришнинг самарали усулларини, йўллари топиш, аниқлаш учун зарурдир.



Бугун илмий адабиётларда, тадқиқотларда ва баҳс-мунозараларда «гендер» атамаси, у билан боғлиқ «гендер муносабатлари», «гендер тенглик», «гендер маданият», «гендер тараққиёт», «гендер социология», «гендер психология» каби иборалар кўп ишлатилаёпти. Кейинги йигирма йилни «гендер изланишлари даври» деб аташ мумкин. Ҳа, бугунги илм-фан чуқурлашиш йўлидан ривожланмоқда. Аммо бу умумлаштиришни, анализ ва синтезни ҳам тақозо этмоқда. Гендер муносабатларини сунъий тарзда чуқурлаштириш гендер тадқиқотларини бойитса ҳам, тараққиётга хизмат қилмайди, балки, аксинча, жинслар стратегиясини кучайтиради. Шунинг учун гендер тадқиқотлари мудом жинслараро алоқаларни мустаҳкамлаш мақсади-дан келиб чиқиши лозим.

«Гендер» тушунчаси жинслар, жинслараро муносабатлар маъноларини англатса-да, у кейинги йилларда деярли барча фанларга тааллуқли ижтимоий воқеликка айланмоқда. Демак, инсоният дискриминацияни барта-раф этишга негадир узок вақт

астойдил киришмаган. «Аёллар ҳуқуқлари декларацияси»ни эълон қилган Олимпия де Гуж (XIII аср)га аёллардан фойдаланиш, уларни камситиш, зўрлаш инсон шаънини топтовчи ҳодиса экани ҳеч кимни ўйга толдирмаган. Олимпия де Гуждан кейин ҳам аҳвол ўзгармади. Европа аёллари ўз эрки учун ҳанузгача тинмай курашиб келадилар». Эрк инъом этилмаиди, балки уни курашиб қўлга киритадилар, деган ҳикмат ҳақ экан, шекилли.

«Биологик ёндашув ҳам, социологик ёндашув ҳам гендер муаммоларини тўла ёритолмайди. Айниқса, улар бир-бирини рад этганида муаммонинг қанчалик мураккаб эканлиги ойдинлашади. Уларни уйғунлаштирадиган янги ёндашув, аниқроғи гендер фалсафаси зарур. Гендер фалсафаси куйидаги хусусиятлари билан юқоридаги ёндошишлардан устун туради. У:

— гендер муносабатларини инсоннинг яхлитлиги (бутунлиги) нуқтаи назаридан келиб чиқиб ўрганади;
— гендер муносабатларига инсон муносабатлари деб қарайди;

— ижтимоий муносабатларнинг детерминизмидан келиб чиқади;

— аёл ва эркак муносабатларининг мураккаблигини тан олади, лекин, шу билан бирга, уларнинг ижтимоий муносабатлардан фарқ қилувчи жиҳатлари борлигини унутмайди;

— аёл ва эркакнинг борлиқдаги ўрни, вазифалари айнанлигидан, яъни олам ва одам ўртасидаги гармонияни асрашдан, инсон манфаатларининг устуворлигидан келиб чиқади. Тараққиёт мезонларининг барчага тенг тааллуқлилигини эътироф этади...

Гендер фалсафаси аёл ва эркак ўртасидаги муносабатларнинг фарқларини, ўзига хосликларини ўрганиш билан чекланиб қолмаслиги зарур. Ижтимоий тараққиёт учун аёл ва эркак ўртасидаги фарқлар эмас, балки уларнинг бир ижтимоий мавжудот сифатида яшашини асослайдиган, аёл ва эркак ўртасидаги яқинлиқни, уйғунликни мустаҳкамлайдиган назариялар, ёндошишлар лозим. Кишиларни ижтимоий, сиёсий, мулкӣ ва жинсий бир-бирига қарама-қарши қўйиш, фарқлаш фожеали

оқибатларга олиб келишини англашимиз даркор. Гендер фарқларни ўрганиш аёл ва эркакни янада чуқурроқ билиш учун зарур, холос. Аммо ушбу фарқлар мудом нисбий ва тарбиявий омиллар таъсирида зарур томонга ўзгариши мумкинлигини унутиб бўлмаиди.

Аёл ва эркак ўртасидаги муносабатларни онтогенез нуқтаи назаридан ўрганиш муҳим аҳамиятга эга. Ҳозир гендер фалсафаси мавжуд психологик изланишларни тўплаш ва умумлаштириш билан банд. Аслида эса у гендер тадқиқотларидан олдинда юриши зарур эди. Ҳа, фалсафа баъзан айрим фанларнинг изланишлари ва хулосаларига эҳтиёж сезади, уларни умумлаштириш орқали шаклланади. Гендер фалсафасини илм соҳаси сифатида шакллантиришга эҳтиёж мавжуд. Аммо ушбу эҳтиёж 40 аср давомида шаклланган олам ва одам, шахс ва жамият, хусусият ва умумият ўртасидаги муносабатларни ўрганиш борасида тўпланган гносеологик хулосаларга таяниши зарур. Агар у ушбу хулосалардан айримларининг хатолигини исботласа, рад этса, бу илм-фан учун фойдалидир.

Гендер тадқиқотлари инсонга табиятан ҳар хилликка, ранг-барангликка, плюрализмга интилиб яшаш хослигини ҳам исботлайди. Инсон нафақат ақлан ёки руҳан, худди шунингдек, табиятан, социогенез ривожланиши нуқтаи назаридан ҳам ранг-барангликка мойилдир. Аммо ушбу ранг-баранглик, турфа хиллик унинг бутунлигига хавф туғдирмаслиги керак. Айрим гендер тадқиқотларида, минг афсуски, инсоннинг ушбу яхлитлиги (бутунлиги) унутилади, асосий эътибор гендер фарқларнинг йўл-йўриқларига, хулосаларига муҳтождир.


Гендер фарқлар ижтимоий муҳит, тарбия, ташқи таъсирлар маҳсулидир. Шунинг учун гўдак аввало

социогенез таъсирида ўзининг жинс эканлигини англайди. Лекин бу филогенез ва онтогенез таъсирини рад этмайди; социогенез жинсий тасаввурларнинг шаклланишини тезлаштириши ёки секинлаштириши мумкин. Вақт ўтиши билан табиат ўз кучини кўрсатади, яъни филогенез ва онтогенезда жинс ўзининг белгиларини намён эта бошлайди. Шунинг учун социогенез таъсирини мутлақлаштириш мумкин эмас. Гендер фалсафаси юқоридаги омиллардан ташқари психогенез натижалари ва хулосаларига ҳам таяниши керак.

Аёллар ижтимоий муносабатларни эмас, гендер муносабатларни ҳам ўзгартириш тарафдоридир. Улар ижтимоий муносабатларнинг хусусияти билан қизиқмайдилар: гендер тенглик улар учун эркак эгаллаган амалларни эгаллаб, эркак билган нарсаларни билиб, оиласини таъминлаб яшашдир. Феминистлар ҳеч қачон жамият тараққиётини белгилаб берувчи, стратегик аҳамиятга эга ижтимоий-сиёсий концепцияларни илгари сурмаганлар. Улар ижтимоий муносабатларни ўзгартирмай гендер тенгликни таъминлаб бўлмаслигини хаёлга ҳам келтирмаганлар. Гендер тенглик аёл ва эркак муносабатларида тенг ҳуқуқлилиқни таъминлашгина эмас, у бутун ижтимоий муносабатларнинг ўзгартиришга қодир воқелиқдир. Гендер тенгликни эски ижтимоий муносабатлар устига қуриб бўлмайди, у инсониятни янги ижтимоий муносабатлар тизимини яратишга ундайди.

Биринчи Халқаро хотин-қизлар жамияти 1867 йили Лондонда ташкил этилган. Ҳайратланарлиси, унинг президенти этиб эркак киши — таниқли социолог Д.С.Милл сайланган. У аёллар масаласини қандай ўрганган ва ҳал этган — маълум эмас. Агар мени эркак интуицияси алдама-са, у аёллар муаммосига аралашганига пушаймонлар қилган бўлса керак... (Давоми бор)

«Мен — ёшликман» танловига



«Онам портрети»



«Куз мавсуми»

«Умид билан суқилган таёқ...»



«Устоз Арофат опа портрети»



«Замондошим портрети»

Юртимиз ёшларига бугун иқтидор ва билимини намойиш этиш учун яратилган шарт-шароитни кўриб, «Эҳ, сенинг ёшлигинг менда бўлсайди» деб ҳавас қилсан киши. Камолитдин Бехзод номидаги дизайн ва рассомчилик институтини Ёшлар йилида ана шундай истеъдодли бакалаврлар тугатиб, санъат бўстониغا кириб келишди. Бу ёшларнинг аксарияти ўзининг диплом иши учун мураккаб компози-

ций картина яратишдек масъулиятли жараённи танлагани таҳсинга сазовор. Академик Собир Раҳमतов устaxonасини битириб чиққан Отабек Абдиев, Одил Бўронов, Бобур Қодир

ов, Шахризод Қодиров, Фаррух Мавлонов, Ирода Зоирова каби ёш рассомлар мукамал техник маҳорат ва малакага эга эканлиги билан ажралиб туради. Отабек Абдиевнинг «Замондошим портрети» асарида давримиз ёшларининг руҳий олами ёрқин бўёқларда акс эттирилган. Фондаги характерли чизгилар: юқори қаватга кўтарилган пиллапоя, ҳатто йигит кийган куртканинг тўлқинли гижимида

унинг гаройиб руҳий олами гавдаланади. Йигитнинг оёғини чалкаштириб туришида ҳам олатасир ҳаётга ишора бордек. Туйғулари кўзларидан отилиб чиққан ёлқинда яққол намоён бўлади. Ёшларгагина хос бундай характерни топгунча Отабек кўп изланган.

Одил Бўроновнинг «Автомойка» композициясида замон руҳи ифодаланган. Рассом замонавий техник тараққиёт руҳини ифода этиш орқали давр характерини очиб берган.

Бобур Қодировнинг «Устоз Арофат опа портрети»да миллий кийимлар устаси, ажойиб модельер аёлининг руҳияти ўзи яратган либослар орасида тасвирланади. Устознинг таъсирчан қарашлари орқали унинг ички дунёси чиқиб берилган.

Қадимий гулли сўзана, мовий фон сеҳрли кўриниш касб этади. Адрас, беқасамдан тикилган либослар орасида шу гўзалликни яратувчиларнинг маънавий олами кўз ўнгимизда гавдаланади.

Шахризод Қодиров «Наҳорги ош» битирув дипломи ишида мураккаб композицион картина ечимини танлагани унинг кенг мушоҳадали эканлигига гувоҳлик бериб тургандек. Нилий гумбазлар, осмонга бўйлашган минора-

лар орасидан тонг оқариб келади. Катта дошқозондаги паловга ошпаз қапгир уради. Самоварда биқиллаб чой қайнайди. Тўйхонада шодхуррамлик. Одамлар кайфиятида кўтаринкилик. Мезбонларнинг кўли кўксиди. Меҳмонларнинг кутиб олиш пайтидаги ҳаяжонини рассом маҳорат билан тасвирлайди.

Мусаввир олисдаги тераклар, ёруғ ҳовли, ойдин кечани алоҳида бир руҳга киритиб сеҳрли ҳолат ҳосил қилади.

Фаррух Мавлоновнинг «Куз мавсуми» асарида йигит-терим жараёни тасвирланган. Қишлоқ шароитига хос ҳолатни дипломант қалбан ҳис қилган. Рассомнинг рангларнинг умумий ҳолатини очиб беришдаги қобилияти унда камдан кам рассомга берилган иқтидор — колористик хусусиятнинг мавжудлигидан далолат беради. Ҳар бир образ, уларнинг кенглик фондаги эмин-эркин ҳаракатини рассом ичидан сезиб ишлаган. «Гапирувчи детал»лар сувли сатил, саватдаги ва ерга тўкиб қўйилган сабзи ва отга қўшилган арава асар моҳиятини очиб беради.

Ирода Зоирова-нинг «Онам портрети» дипломантнинг инсон ички дунёсини очиб бериш қобилияти, натюрморт жанрида сермаҳсул изланишлар олиб бора олиш иқтидоридан далолат беради. Ирода ҳар бир «гапирувчи детал»ни маромига етказиб, асарнинг моҳиятини очиб берувчи воситага айлантира олган.

Хуллас, гуркираб сафга қўшилаётган бу ёш рассомларимиздан умидимиз катта. Айнан шунинг учун ҳам эътиборингизга ҳавола этилаётган асарларни «Мен — ёшликман» танло-

вига илингимиз келди. Улар ўз иқтидори, изланишлари билан санъатимиз доврўғини дунёга ёйишига ишончимиз комил.

Абдували ЭГАМБЕРДИЕВ, санъатшунослик фанлари номзоди

«Автомойка»



«Наҳорги ош»

Нормал иш вақтидан четга чиқиш ҳолатлари ва меҳнат таътиллари бўйича буйруқлар қандай тайёрланади? Мазкур тоифадаги буйруқларни тайёрлаш учун нималарни билиш керак?

Бу ҳақда Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси кенгаши юридик бўлими мудир **Абдусалом Рисқуллаев** изоҳ беради

Нотўғри:
Ходимлар доимий равишда ва таркибий бўлинма (цех, бўлим) бошлиқлари топшириғига биноан, дам олиш ва байрам кунлари ишга жалб этиладилар.

Тўғри:
Дам олиш ва байрам кунлари ишлаш ман этилади. Иш берувчининг фармойишига кўра алоҳида ходимларни дам олиш кунлари ишга жалб этиш айрим ҳолларда жамоа шартномасида белгиланган асос ва тартибда амалга оширилиши мумкин, агар бундай шартнома тузилмаган бўлса, касаба уюшма кўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи билан келишиб амалга оширилади.

Ходимларнинг дам олиш кунлари ишга жалб этилиши МКнинг 220-моддаси 5-қисми ва 228, 245-моддаларида белгиланган чеклашлар ривож этган ҳолда амалга оширилади.

Нотўғри:
Дам олиш ва байрам кунлари ишлаганлик фақат бошқа дам олиш кунни бериш билан компенсация қилинади.

Тўғри:
Иш вақтидан ташқари ишлар, дам олиш ва байрам кунларидаги ишлар учун камида икки ҳисса миқдорда ҳақ тўланади. Байрам ёки дам олиш кунларидаги иш ходимнинг хоҳишига кўра бошқа дам олиш кунни (отгул) билан қопланиши мумкин. Байрам ёки дам олиш кунларидаги иш учун бошқа дам олиш кунни (отгул) берилган тақдирда, бундай ишлар учун камида бир ҳисса миқдорда иш ҳақи тўланади.

Нотўғри:
Корхонада ходимларни уларнинг розилигисиз навбатчиликка жалб этилиши локал (муайян) ва индивидуал-шартномалар билан тартибга солилмаган.

Тўғри:
Агарда, корхонада мазкур масала ички норматив ҳужжатлар билан тартибга солинмаган бўлса, ходимларни уларнинг розилигисиз тезкор навбатчиликка жалб этишни ноқонуний деб талқин қилинади. Ходимнинг бундай навбатчиликдан бош тортишини меҳнат интизомини бузиш деб баҳолаш мумкин эмас.

Ходимларнинг навбатчиликка жалб этилиши корxonанинг тегишли локал (муайян) актларида назарда тутилган ҳоллардагина қонуний ҳисобланади.

Нотўғри:
Амалда мавжуд бўлмаган касаба уюшмалари органлари: маҳаллий кўмита ва шу кабиларни атайдилар.

Тўғри:
Меҳнатга оид муносабатларда ходимларнинг манфаатларини ифода этишда вакил бўлиши ва бу манфаатларни ҳимоя қилишни корхонадаги касаба уюшмалари ва уларнинг сайлаб

қўйилмаган органлари ёки ходимлар томонидан сайланадиган бошқа органлар амалга ошириши мумкин, бу органларни сайлаш тартибини, уларнинг ваколатлари мuddати ва миқдор таркибини меҳнат жамоасининг йиғилиши (конференция) белгилайди. Ходимлар вакиллик қилишни ҳамда ўз манфаатларини ҳимоя қилишни ишониб топширадиган органни ўзлари белгилайдилар.

Ҳозирги вақтда корхона, муассаса, ташкилотлардаги касаба уюшма ташкилотларини касаба уюшма кўмиталари бошқарадилар. Цехларда, бўлимлар ва таркибий бўлинмаларда касаба уюшма бюrolари (цех кўмиталари) сайланади.

Нотўғри:
Дам олиш кунларида ишлашга рухсат берадиган алоҳида ҳоллар рўйхатини ўзбошимчалик билан кенгайтириш мумкин.

Тўғри:
Иш берувчининг фармойишига кўра айрим ходимларни дам олиш кунлари ишга жалб этишга алоҳида ҳоллардагина, жамоа шартномасида, агар у тузилмаган бўлса, иш берувчи томонидан касаба уюшма кўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи билан келишиб белгиланган асослар бўйича ўрнатилган тартибда йўл қўйилади.

Нотўғри:
Дам олиш кунни ишлаганлик учун бир ҳисса миқдорда ҳақ тўланади.

Тўғри:
Ишдан ташқари, дам олиш ва байрам кунлари ишлаган вақт учун икки ҳиссадан кам бўлмаган миқдорда ҳақ тўланади.

Нотўғри:
Ходимнинг хоҳишига кўра дам олиш кунни ишлаган кунлари учун бошқа дам олиш кунни (отгул) берилмайди.

Тўғри:
Ходимнинг хоҳишига кўра дам олиш кунларида ишлаган кун бошқа дам олиш кунни (отгул) билан компенсация қилинади. Байрам, дам олиш кунлари ва иш вақтидан ташқари вақтда ишлаганлик бошқа дам олиш кунлари (отгул) билан компенсация қилинган тақдирда иш ҳақи бир ҳисса миқдорда тўланади.

Нотўғри:
Отгуллар икки ҳафта давомида берилмаса куяди.

Тўғри:
Қонунчиликда отгул учун мuddат белгиланмаган.

Нотўғри:
Дам олиш кунни ишлаш тўғрисидаги буйруқлар касаба уюшма кўмитаси билан келишилмайди.

Тўғри:
Касаба уюшма кўмитаси ёхуд ходимларнинг бошқа вакиллик органи билан келишиб мажбурийдир.

Нотўғри:
Иш берувчининг

талабига кўра бошқа дам олиш кунлари (отгуллар) меҳнат таътилига қўшиб берилади.

Тўғри:
Бу фақат ходимнинг илтимосига кўра амалга оширилади.

Нотўғри:
Корхона раҳбарига бошқа дам олиш кунни (отгул) берилмайди.

Тўғри:
Раҳбар ҳам бошқа ходимлар каби дам олиш ва байрам кунлари ишлаганлиги табелда кўрсатилган бўлса, бошқа дам олиш кунидан (отгулдан) фойдаланиш ҳуқуқига эга.

Нотўғри:
Харакатдаги составнинг меъёридан ортиқ бекор туриб қолиши ва иш вақтидан ташқари ишлашдан сакланиш мақсадида, юк ортиш ва тушириш ишларини ўтказиш ҳақидаги буйруқлар касаба уюшма кўмиталари билан келишилмаган ҳолда чиқарилади, чунки бу ҳолат биронта ҳам норматив актларда айтиб ўтилмаган.

Тўғри:
Иш берувчининг фармойишига биноан айрим ходимларни дам олиш кунлари ишга жалб этишга алоҳида ҳоллардагина, жамоа шартномасида, агар у тузилмаган бўлса, иш берувчи томонидан касаба уюшма кўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи билан келишиб белгиланган асослар бўйича ва тартибда йўл қўйилади. Ўз навбатида жамоа шартномасида белгиланган тартиб бунга вакиллик органининг аввалдан розилигини олишни назарда тутса, у ҳолда иш берувчи ҳар бир дам олиш ёки байрам кунларида ишга жалб қилишда бу розиликни аввалдан олиши зарур (қаерда у тузилмаган бўлса, иш берувчининг касаба уюшма кўмитаси ёхуд ходимларнинг бошқа вакиллик органи билан келишилади).

Нотўғри:
Узлуксиз ҳаракатдаги корxonанинг дам олиш ва байрам кунлари юк ортиш ва юк тушуриш ишларини ўтказиш тўғрисидаги буйруғи касаба уюшма кўмитаси билан келишилади.

Тўғри:
Буни қилишга ҳожат йўқ, чунки ушбу ҳолатда касаба уюшма кўмитаси билан келишиш назарда тутилмаган.

Ишлаб чиқариш-техника шароитлари ва бошқа шароитларга (узлуксиз ишлайдиган корxonалар, объектларни қуриқлаш, уларнинг хавфсизлигини таъминлаш кабиларга) кўра ишни тўхтатиб туриш мумкин бўлмаган жойларда, аҳолига хизмат кўрсатиш заруряти бўлган ишларда, шунингдек кечиктириб бўлмайдиган таъмирлаш ва юк ортиш-тушириш ишларида байрам ёки дам олиш кунни ишлашга йўл қўйилади.

Нотўғри:
Навбатчилик тўғрисидаги буйруқ касаба

уюшмаси кўмитаси билан келишмаган ҳолда чиқарилади.

Тўғри:
Бундай келишиш, башарти корхонада индивидуал-шартнома ёки локал тартибда йўлга қўйилмаган бўлса, мажбурийдир.

Нотўғри:
Навбатчилик иш вақтида тайинланади.

Тўғри:
Навбатчилик иш кунни тугаши билан, дам олиш ва байрам кунлари тайинланади.

Нотўғри:
Навбатчилик иш кунига нисбатан узоқроқ давом этади.

Тўғри:
Бунга йўл қўйилмайди. Навбатчилик иш вақтидан ташқари вақтда тайинланганда, иш вақти ва навбатчилик вақти қўшиб ҳисобланганда, унинг меъёрлаштирилган қатъи назар, нормал иш вақтидан ошиб кетмаслиги керак.

Нотўғри:
Ходим ойда бир мартадан кўпроқ навбатчилик қилади.

Тўғри:
Ходимни навбатчиликка жалб этиш иш вақти билан дам олиш вақти мувозанатини бузмаслиги, ходим иш вақтининг белгиланган меъёридан ортиқ ишлашига олиб келмаслиги керак. Навбатчилик жадвали ҳар бир ходимнинг ойда бир мартадан ортиқ навбатчилик қилиш даврини назарда тутмаслиги, унинг мuddати эса иш вақти билан навбатчилик вақтини қўшиб ҳисоблаганда 8 соатдан ошиб кетмаслиги керак.

Нотўғри:
Навбатчиликка ўн саккиз ёшдан кичик бўлган шахслар, ҳомилдор аёллар, 14 ёшгача (16 ёшгача ногирон) боласи бор аёллар, I ва II гуруҳ ногиронлари жалб этилади.

Тўғри:
Ўн саккиз ёшдан кичик бўлган ходимлар учун ман этилган.

Дам олиш кунларида ишларга ҳомилдор аёллар, 14 ёшгача боласи (16 ёшгача ногирон боласи) бор аёлларни уларнинг розилигисиз жалб этишга йўл қўйилмайди. Ногиронларни дам олиш кунлари ишларга жалб этиш уларнинг розилигига кўра, бундай ишлар уларга тиббий тавсияда ман қилинмаган тақдирда амалга оширилади. Кўрсатилган қоида, меҳнат шартномасида назарда тутилган вақтда одатий ишларни бажарадиган, навбатчи деб номланувчи ходимларга нисбатан тадбиқ этилмайди (навбатчи слесарлар, навбатчи электриклар ва в.х.).

Нотўғри:
Навбатчилик ҳақ тўлаш билан компенсация қилинади.

Тўғри:
Навбатчилик вақти ўртача иш ҳақи сакланиб қолган ҳолда унга тенг бўлган бошқа дам олиш кунни (отгул) билан компенсация қилинади.

(Давоми бор).

Солиқ ва биз

Жиноятга жазо муқаррар

Бугун юртимизда тadbиркорларнинг эркин фаолият олиб бориши учун барча имконият мавжуд. Яратилган шарт-шароитнинг самараси ўлароқ изланувчан, янгиликка иштиёқманд тadbиркорлар орамизда кўпчиликини ташкил этади. Бироқ ўз нафсини ҳар нарсадан устун қўядиган тadbиркорларнинг ҳамон учраб туриши қўнғилга гашлик солади.

Чортоқ туманидаги «Турғуной» фермер хўжалиги раҳбари Муборак Йўлчиева ҳам нафсини жиловлай олмаганлардан. У хўжаликда ишлайдиган 11 фуқарога, 2 ёшгача бола парвариши билан банд бўлган оналарга нафақа тайинлиниши учун сохта маълумотнома ёзиб берган. Натижада 1.475.799 сўм нафақа нотўғри тайинланган. Муборак бу билан чекланмади. Экин майдонларини сугоришга ёрдам сўраб «Алихон Зилол булоқ суви» сувдан фойдаланувчилар уюшмасига мурожаат қилади. Фермернинг талабига кўра СФУ томонидан 2007 йил 27 май кунини 80 донга, баланс киймати 1.187.190 сўмлик қувурлар берилди. Аммо фермер 793.657 сўмлик 55 та қувурни номаълум кимсаларга сотиб юборган.

Муборак Йўлчиеванинг кирдикорлари Конституциянинг 15 йиллиги муносабати билан қабул қилинган «Амнистия тўғрисида»-ги қарорнинг 1-банди билан авф этилди. Энди ҳамма гап унинг хотолардан тўғри хулоса чиқаришида.

Адҳамжон НУРБЕКОВ, Бош прокуратура ҳузуридаги СВОЖДЛҚК департаменти Чортоқ туман бўлими бошлиғи вазифасини бажарувчи


Ноқонуний айирбошлаш

Бекорчилик кўплаб муаммоларни келтириб чиқарувчи асосий сабаблардан биридир.

Аъзамжон Юсупов қўлини совуқ сувга урмай пул топиш йўлини узоқ ўйлади. Ниҳоят Косонсой шаҳар деҳқон бозорида фуқаролардан арзон нарҳда чет эл валютасини олиб қиммат нарҳда сотиш керак деган қарорга келди. Бир кун унинг олдида ўзини Отабек деб таништирган бола келиб «кўки»дан кўпроқ кераклигини айтди. 2008 йил 19 март кунини Аъзамжон Отабекка 3500 АҚШ долларини 5.040.000 сўмга сотаётганда қўлга олинди. Хорижий валюта далилий ашё сифатида олиб қўйилди ва давлат ихтиёрига ўтказилди.

Жиноятчилар қилмишига яраша жазосини олди. Бу бошқа валютафурушларга сабоқ бўлиши шубҳасиз.

Г.АХМАДАЛИЕВ, Бош прокуратура ҳузуридаги СВОЖДЛҚК департаменти Косонсой туман бўлими бошлиғи вазифасини бажарувчи



Илонлар салтанати

АЖДАР ОҒЗИДАГИ ОДАМ

Бир пайтлар Файз-ободдаги хўжаликлар бармоқ билан санарли бўлган. Ёввойи табиат эса доимо ўз ҳукмини ўтказиб келган. Боботоғ адирлари баланд-баланд шўра, туяқорин, жинжак, ялтирбош, юлгун каби ўсимликлар билан қопланган, Сурхон дарёси ўзанлари эса қалин қамишзор уюлғунзорлардан иборат бўлиб, шу боис отлар асосий улов вазифасини ўтаган.

Файзободда яшовчи яхши кишилар каттароқ бир ишни бошламоқчи бўлса, ёши улугларни уйига қақриб дастурхон ёзишади. Бу машваратлар узундан-узун, қизиқдан-қизиқ ҳикояларга бой бўлади, уларни эшитиш эса жону-дилим. Бу ҳикоялар охири-оқибат, албатта, илонларга бориб тақалади.

Кексалар ҳикоя давомида «невараларим, кечаси бир-бирингизни исмингизни аниқ айтиб қақирманг, илон сизни авраб домига тортиши мумкин» деб насиҳат қилишни ҳам унутмасдилар.

Энди ақлимни таниган пайтлар эди. Одатга кўра энам тандирдан янги узилган нонни рўмолга тугиб қўлимга берди. «Бориб бобонгдан хабар ол-да, озроқ ўйнаб қайтгин» деб тайинлади. Ўзим билан ўзим бўлиб, манзилга қандай борганимни ҳам билмай қолдим. Бобом икки отни бир-бирига боғлаб, буғдой сомони янчаётган, момом эса урчуқ йиғираётган экан. Бобом қўлимдаги тугунни олиб, ёғоч супа устига қўйди-да, мени даст кўтариб отларнинг бирига миндириб қўйди.

Кўп ўтмай момомнинг кистови билан отларни тўхтатиб, чой ичгани ўтирдик. Дастурхонда мен яхши кўрадиган бир бош эртапишар қора узум ҳам бор эди. Чойни ича-ича бобом отларига тикилиб, «биласанми, неварам, одамнинг

ҳақиқий дўсти от бўлар экан, мени бир неча марта бу жониворлар нақ ўлимдан қутқариб қолган» деди. Момом ҳам ўз навбатида бош ирғаб бу гапни тасдиқлади. Савол назари билан термулдим. Бобом эса эринмай ҳикоя бошлади.

Ёш пайти чўпонлик қилган бобом ёз кунларининг бирида қоқ туш пайти отига миниб, адирга жўнабди. Иссиқ кўз очиргани қўймас, катта-катта туяқоринларни оралаб эринибгина қадам босаётган от бирдан таққа тўхтабди. Бобом мизғиб келаётгани учун йиқилиб тушишига оз қолибди.

От қулоқларини чимириб шитирлаётган овоз яқинлашаётган томонга қараб турар, аъзойи баданини қамраган титроқ бобомга ҳам аниқ билиниб турар экан. Нима гаплигини тушуниб етмаган бобом ўша тарафга қараса... икки-уч қулоқ наридан йўғонлиги одам белидек келадиغان илон тораб яқинлашиб, сўнг уларнинг шундоққина ёнгинасидан бошқа томонга бурилиб, ўтлар орасида ғойиб бўлади. Илон кетгач ҳам улар анча пайт қимирлай олмай, ўша жойда туришади. Сўнг довдир-совдир қадам ташлаб йўлга равона бўлишади.

Табиийки, мен «илон сизга ҳамла қилмади-ми?» деган саволни бердим. Бобом жавоб беришга улгурмай момом гапни олиб кетиб, «бобонгнинг бир қилиғи худога ёққанки, уни доим паноҳида сақлайди» дер экан, қўшиб қўйди: «неварангизга бир одамни қандай қилиб илон юганини ҳам айтиб беринг».

Бизнинг қишлоққа яқин адирларнинг тупроғи алвонсифат бўлгани учун маҳаллий халқ уни Қизил деб атади. Ёввойи дарахтларнинг қони. Писта, бодом, заранг, арча ва турли ўсимликларнинг макони бу ер.

Хурматли муҳлис! Хукмингизга ҳавола этилаётган бу воқеалар кимлардадир эътироз уйғотиши мумкинлигини инobatга олган ҳолда қисқача сўзбоши ёзишга қарор қилдим. Балки эшитгандирсиз, тарихимизда Сўфи Оллоёр исмли авлиё шахс ўтган. У бир пайтлар Вахшимор тоғларидан илонлар тўдасини ҳайдаб чиқаргани ҳақида афсоналар мавжуд. Бу афсоналарда ўша илонлар ҳозирги Денов тумани ҳудудидаги Зартепа (Захартепа) деган жойда бир кун дам олиб, сўнг Боботоғдаги Говургон (Гов турган)га кўчиб ўтгани айтилади. Бу йўл эса мен ҳозир яшаётган ҳудуд яқинидан ўтган. Эҳтимол шу сабаблидир, болалигимдан илонлар ҳақидаги ҳар бир сўзга эътиборли бўлиб катта бўлдим. Кўп ҳикоялар муболага қўшиб айтилади, ammo мен имкон қадар ҳикояларимни содда усулда муҳлислар ҳукмига ҳавола этмоқчиман. Зеро, она табиат сир-синаотга тўла. Бу тилсим эса ҳали-бери одамзотга ўз эшикларини очмас керак, балки шундай бўлгани ҳам яхшидир.

ёхуд Боботоғ аждари

Бир йили писталар фарқ пишган пайтда қишлоқ қўйларини Қизилтоғ тарафларда боқиб юрган бобом ёлғиз оёқ йўлдан бораётган бошқа миллатга мансуб икки мусофир саломлашиб, қалин пистазорга кириб кетганини кўради. Орадан бирмунча вақт ўтгач, пистазордан одам чинқириғи эшитилади ва кўп ўтмай мусофирлардан бири «ҳамроҳимни илон олди, ёрдам беринг» деб чопиб келади.

Биргаллашиб заранг таёқ билан чангалзор оралаб воқеа жойига етиб келишади ва... шундай манзарага гувоҳ бўлишади.

Бу жойда тарвақайлаб ўсган, ёши асрга тенг писта дарахтлари бўлиб, ғор оғзида эса катта аждар ҳалиги мусофирнинг ҳамроҳини ютаётган экан. Илон мусофирни сонигача ютиб турган бўлса ҳам у дод-вой қилиб бақариш ўрнига аждарнинг бошини силаб турган эмиш. Одамзот исини сезган аждар ўлжасини ғор оғзида тортиб кетади. Улар эса даҳшатли воқеа жойида ура қочиб қоладилар.

Савдойи бўлиб қолган мусофирни эса бобом бир амаллаб қишлоққа қайтаради ва келган йўлига жўнатиб юборади.

Бобом «аждарга ем бўлган одам ҳалиги бечоранинг жуда яқин қариндоши бўлса керакки, унинг йиғлай-йиғлай кетган ҳолати ҳалиям кўз олдимда туради» деди.

Сабрим чидамай бобомдан аждар оғзидаги одам дод деб бақариш ўрнига нега унинг бошини силаётган экан, деб сўрадим.

— Эй, неварам-эй, илонлар ўлжасини авраб ютади деб эшитмаганмисан? У йигит кишига чиройли қиз бўлиб, қиз болага эса келишган

йигит қиёфасида кўришиб, ноз-карашма билан қақриб олар эмиш. Ўша мусофирни ҳам худди шундай қилган-ов, эмаса у илонга осонгина эмиш бўлмас эди.

Бир пас ўтиб қўшиб қўйди:

— Ёдиндан чиқмасин, кечаси исмларингни баланд овоз билан айтиб қақирманглар, бу яхши эмас, тушундингми?

Ҳозир ҳам шу насиҳатга амал қиламан. Ахир қари билганни пари билмас дейдилар-ку!

МОРБОЗ

Мактабда ўқиб юрган даврларим эди. У пайтлар ҳамма жойда пахта яккахокимлиги кучини кўрсатган, мўсафид чолдан тортиб 1-синф ўқувчилари-ю эмизикли аёлларгача далада кун ўтказишарди.

Ҳеч эсимдан чиқмайди: кунларнинг бирида биз, бошланғич синф ўқувчилари, пахта теримида бордик. Теримчилар учун ишига яраша шароит яратилган, шийпон гавжум бўлар, ҳар бригада бошида ошпаз ва чойхоначилар ҳам елиб-югуриб туришарди.

Ўша кунни терган 3-5 кило пахтаминизни олиб шийпонга келдик. Чойхоначи ҳаммамизни иссиқ чой ва шакар билан сийлади. Чой ичаётганимизда чойхоначи болаларнинг юзларига қараб-қараб, ота-оналарига қиёслаб, сен шу одамнинг кими бўласан ёки фалончининг фарзандимисан, деб таниб олишга ҳаракат қилди. У анча кекса бўлганлиги сабабли ҳам кўпни кўрганлиги сөзилиб турарди. Ниҳоят навбат менга келди. Мени ҳам қариндошларимга ўхшатди-ю, ammo бу гал унга топқирлик етишмади. Сўнг ўқитувчимиздан сўраб, кимнинг фарзанди эканлигимни билиб олди.

У киши чойхоначилик қиладиган бригадага яна


бир-икки марта бордик. Унинг бизга алоҳида меҳр кўрсатиши, яхши муносабати мени бифарқ қолдирмади. Бир кун отамдан бу муносабатнинг сабабини сўрадим. Бир амаллаб унинг ташқи кўринишини таърифлашим орқали исмини ҳам топишга муваффақ бўлдик: Карим бобо экан.

Отамнинг гапига кўра бобом (отамнинг отаси) боғбонликни жуда яхши кўраркан. Шунинг учун ҳаётлик пайтлари 5 гектарча келадиغان боғ яратган ва файзободлик одамлар узоқ йиллар давомида бу мевалардан

Бир нарсани сезгандай бўлган отам югуриб бориб Каримни даврага тортиқлайди. Нимжонгина бу боланинг қизиқ ҳаракати ва куч бермаётганлиги отамни хушёр тортиради. Разм солиб қамишлар орасида бир ниманинг тебранаётганини кўради. Бу орада Каримнинг афт-башараси ўзгариб, телбаларча ҳаракат қилаётгани уларни саросимага солиб қўяди-ю, катталарни ёрдамга чақаришга мажбур бўлишади.

Отам болаларга Каримни ерга босиб ушлаб туришни тайинлаб, «қора уй»га чопиб боради. Аксиға олиб, уйда эркак зотини учратмай, аммасини чақириб келади. Улар етиб келишганда Карим жон талвасасида қамишлар ичига киришга уринаётганининг устидан чиқишади.

Шундан кейин отам билан аммаса кўлда тандир косов билан тебра-



бахраманд бўлишган экан. Боғнинг фарб тарафи Сурхоннинг қамишзор ўзанига бориб қўшилган. Одам ва чорва сонни камлиги туфайли бу жойлар тўқайзор кўринишини олган. Менга эса фақат ўша тўқайзорнинг содда кўриниши ва бобом ўз қўли билан эккан тутларнинг икки-уч киши кучоғига сиғмайдиган ҳолатларини кўришгина насиб этди, холос.

Отам ҳам ёшлигида тенгқурлари билан кундузи чиллак, ой ёруғида эса оқсуяк, қулоқчўзма ўйнашаркан. Улар аввал катталарнинг насиҳатига амал қилиб, «қора уй» атрофида ўйнашади. Сўнг ўйинга берилиб кетиб, тўқайзор томон келишганини билмай қолишади. Болалар болалигига бориб, бир-бирининг исмларини айтиб чақаришади.

Бир пайт Карим қамишзор оралай бошлади. Чиллак ўйнаш навбати келса-да, эътибор қидмай қамишзорга тез-тез қарайверади.


наётган нарсага яқинроқ боришади. Бу нарса эса одам болдиридай келадиган илонлигини ва у Каримни аврашга уринаётганини фаҳмлашади. Бу аёл олдин ҳам бунақа ҳодисалардан хабари бўлганми ё шўшиб қолганиданми, қўлидаги косовни илон тарафга отади...

Бу аёл билан (ўшанда саксон ёшда эди) суҳбатлашганман. У кишининг хотирлашича, нон ёпиш учун тандирга олов ёқаётган чоғи ранги ўчган отам чопиб келди-ю, қўлида қип-қизил чўғ бўлган косов билан чопиб боришади. Отиб юборилган косов тўғри илоннинг устига бориб тушгач, уни яхшигина куйдирган чоғи, илон жонҳолатда ўзини тўқайзор ичига уради. Ҳаммаси яхшилик билан тугагач, болалар уй-уйига тарқалишади. Отам эса Каримни уйига элтиб қўяди.

(Давоми бор).

Мурод ЛОЛАХОНОВ,
Узун туманидаги
27-мактаб ўқитувчиси

Гулчехра ЖАМИЛОВА



Хикоя

Эркак узил

Ичкари зим-зиё эди. Йигит шу топда ўзига ачинди. Бундоқ қараганда, ҳаётининг мана шу қоронғилиқдан нима фарқи бор? Агар шу ёшгача тўғри қадам босганида эди, айни ўйнаб-куладиган пайтида мана бу симтўсиқ ортида ўтирармиди?! Фақат, бугина эмас...

Унинг қилмиши туфайли отаси ҳаётдан бевақт кўз юмди. Онаси зор қақшаб қолди. Сингилларининг боши эгилди. Жамики хатоларини кейинроқ англаб етди у. Нега бунча кеч?

Қоронғуликка кўзи салпал ўргангач, машинанинг қайсидир тирқишидан бир тола нур ичкарига оқиб кираётганини пайқайди. Беихтиёр ўтган кунлари ёдига тушди...

— Ой чиқса ҳам, кун чиқса ҳам шу болага эканда! Қизларингизни ҳеч эрқалатмай қўйдингиз, — дея ўпқаланди бир куни онаси.

— Қизлар сизники, хоним, — деди кулиб ота. — Бу тойбола менинг изимда қолади. Қани, отаўғил, елкамга чиқ, боғни бир айлантириб келай.

Акмал ўшанда беш ёшда эди. Бир куни ҳаммалари сўрида чой ичиб ўтиришса, маҳалла оқсоқоли Насим бобо кириб келди. Отаси унга юқоридан жой кўрсатиб, ўтиришга ундади. Она чойни янгиллаб келди. Бобо иссиқдан елпиниб, пастда ўйнаб ўтирган Акмалга буюрди: «Бир косада муздеккина сув опке, болам...». Йигитча сув келтирди. «Барака топ, болам» деди бобо косани икки қўллаб ушларкан. Шунда... Акмал оғзига тўлдириб келган сувни бобонинг юзига пурқайди...

— Ваҳ-ҳа!

— Э, бу нима қилганинг, беодоб! — жаҳл билан

ўрнидан турди бобо. Соқолидан сув томчиларди.

Отаси кулгудан базўр тийилди:

— Кўйинг, аччиқланманг, ёш бола-ку...

Бобонинг овози титради.

— Нимаси ёш бола экан? Сен бунинг ёшида Салим темирчи ясаган белкуракларни бозорга опчиқиб, чойчака ишлардинг, ёдингдан чиқдимми? Сени ҳурмат қиламан, Наби журамдан қолган ёлғиз тўёқсан. Бўлмаса, мана бу мишиқининг нақ қулоғини узиб қўлига берардим!

Оқсоқол этагини силкиб, чиқиб кетди. Ота эса ҳеч нарса бўлмагандек, ўғлининг бошини силаб қўйди.

Икки кун ўтиб, уларникига қўшни аёл чиқди. «Ўғлингиз бугун бузоқчамизнинг оёғини уриб синдирибди. Акмалнинг қилиғини билиб қўйинг деб чиқдим-да. Ахир кўздек қўшни бўлсак...».

Онаси кулди:

— Вой опажони-ей, шунгайм шунча ваҳимами? Кечкурун отаси келсин, пулини тўлаймиз.

Кўшнининг энсаси қотиб деди:

— Қизиқ аёл экансиз-ку, гап пулдами?!

Кечкурун отаси бу хангомани эшитиб сапчиб тушди: «Ўзингизам жуда соддасизда, хоним. Бузоқнинг оёғини синдириш бунга зарил, кептими? Каттароқлари қилгандир бу ишни. Муштдай болага айб тўнкагани уялинг-е демадингизми?!».

Она лабини тишлаб қолди... Бувиси меҳмонга келган куни уйларида байрам бўлиб кетди. Дастурхон ёзилди. Чучвара тугилди. Ота ишдан қайтди. У ҳар кунги одати бўйича эшикдан кириб: «Қаердасан, ўғлим? Қани, кел, соғиниб кетдим», — деди. Онаси

«Ойим келган» деб ичкарига имо қилди. Отаси меҳмонга салом бергач, шоша-пиша: «Ойижон, Акмалнинг бўйи чўзилибдими, қалай?!», — деди. Куёвнинг тузуқроқ сўрашмасдан дарров боласидан гап очгани кампирга малол келди. «Ҳа, бўйи ўсибди», — деб қўяқолди. Лекин эртасига уйига кетаётиб қизига деди:

— Болани бунчаям эркалатиб юборманглар. Ҳамма қатори ўссин.

Ўшанда Акмал ўн ёшда эди.

Отаси унинг қўлига тез-тез пул тутқазадиган бўлди. «Мана, отаўғил, энди йигит бўп қолдингиз. Ўртоқларингиз ичида сал бойвачароқ бўлиб юринг-да!». Акмал бу пулларни нима қилишини билмас, дўконга кириб кўзига нима ташланса шуни оларди. «Бойвачча» болакай маҳаллада кун бўйи бекор юрадиганларнинг эътиборини тортди. Улар Акмални ўзларига қўшиб олишди. Буни кўрган оналар энди болаларини Акмалдан четроқ юришга ундашарди.

Йигитча эса ўша безориларнинг йўриғига юрар, баъзан кун бўйи кўчадан бери келмасди.

Ҳаммаси шундан сўнг бошланди. Акмалда ғалати одатлар пайдо бўлди. У ҳеч бир сабабсиз дарсини ташлаб чиқиб кетар, синфда қизларнинг сочини бир-бириникига боғлаб қўяр, гоҳ ўқитувчи ўтирадиган стул оёғини синдириб, «томоша» кўрсатарди. Суриштириш бошланганда синфдагилар Акмалнинг оғайниларида чўчиб, лом-лим дейишмасди. Буни кўргач, у «ҳамма болалар мендан кўрқади» деб ўйлар, сўнг яна янги-янги қилиқлар ўйлаб топарди. Шу тариқа мактабни базўр битирди. Ота энди энг шимариб ҳаракатга тушиб кетди. Мақсади Акмални бирор институтга жойлаш эди. Лекин «ҳаракатлари» фойда бермади, йигитча имтиҳондан кулади. «Ҳечқиси йўқ, ўғлим, — деди бир куни отаси. — Мана мен ҳам ҳеч қаерни битирмаганман. Лекин манаман деган амалдорлар соямга кўрпача ёзишади. Замон

пули кўпники».

Хуллас, ўша ўйинқароқ кунларнинг бирида жуда хунук воқеа содир бўлди. Оғайнилари уни аллақандай жойга таклиф этишди. Зиёфатдан сўнг ўйин бошланди. Акмал ёнидаги бор пулини ютқазгач ҳам тийилмади. Қарз кўтарди. Кўзи пишган янги танишлари уни катта пулга туширишди.

Унинг «қўлга тушганини» кўрган эски оғайнилари шу заҳоти жуфтакни ростлашди. Бу ёқдагилар эса ундан пул талаб қилишди, пичоқ кўрсатиб кўрқитишди. Шунда Акмал отасини рўқач қилиб қутулиб кетмоқчи бўлди. «Отам савдода ишлайди. Мен бунча пулни тўлолмайман, отамдан ундирасизлар!», — деди. Шу гапни айтди-ю, нақ балога қолди. «Уйингача ўзинг бизни кузатиб қўясан. Лекин отанг бизга пул бермаса ўзингдан кўр!», — дейишди. «Бирор нарса билан сал кўрқитсанглар, беради», — деди.

Ўша куни ота оғир жароҳат олиб ҳушини йўқотди. Кўшниларнинг сергаллиги туфайли безорилар қўлга тушди. Иш судгача борди. Судда «отаўғил» ўз қилмишларини бўйича олгач... касалхонада ётган жойидан суд залига келтирилган отанинг аҳволи оғирлашди. «Тез ёрдам» чақирилди. Лекин бу гап у шифохонада кўп ётмади...

Босқинчиларга қамоқ жазоси берилди. Акмал ахлоқ тузатиш колониясига жўнатилди.

...Ўша куни уни симтўсиқли машинага олиб чиқишаётганда атрофига аланглаб, кимнидир қидирди. Сал нарида икки қизни бағрига босиб йиғлаб турган онасига кўзи тушди. Тўхтаб қолди. Ортига қайтгиси, онасининг бағрига бошини қўйиб: «Мени кечиринг, онажон! Ҳаммасига ўзим айбдорман! Отамнинг ўлимигайм, сиз ва сингилларимнинг кўз ёшларигайм мен сабабчиман!», — дегиси келди. Акмалнинг кўзларидан дувиллаб ёш қуюлди. «Энди орқага йўл йўқ! Ҳаммаси тамом!». Шу ўй юрагини зирқиратиб юборди. Сўнг машина эшиги қаттиқ ёпилди.

Атроф зим-зиё, фақат тирқишдан оқиб кираётган бир толагина нур Акмалга мадад берар, ўз хатоларини тушуниб, бир тўхтамга келмоғи учун имкон йўлини кўрсатаётгандек эди.

Ривоят

Ибн Сино Ва тарбия

Йигит билан қиз турмуш қуришибди. Орадан тўққиз ой ўтгач, фарзанд кўришибди.

— Боламизни қандай тарбия қиламиз? — дебди хотин эрига.

— Уни шундай тарбия қилайликки, катта бўлганда эл-юртга фойдаси тегадиган бўлсин, — дебди эри.

— Тўғри айтасиз, мен ҳам шуни ўйлаб турган эдим. Яхшиси, устоз Ибн Синодан сўраб кўрайлик-чи, у киши нима дер экан, — дебди хотини.

Бу гап эрига ҳам маъқул тушибди. Эр-хотин болани кўтариб, Ибн Синоникига келишибди.

Ибн Сино уларни яхши кутиб олибди, нима иш билан келганликларини сўрабди.

— Боламизнинг тарбияси ҳақида бизга маслаҳат берсангиз. Токи катта бўлгач, эл-юртга фойдаси тегадиган киши бўлса, — деб сўрашибди.

— Қачон туғилди? — деб сўрабди Ибн Сино.

— Эрта билан туғилди, — деб эрининг ўрнига хотини жавоб берибди.

— Эй, болаларим, — дебди Ибн Сино, — бола эрта тонгда туғилган экан, ҳозир чошгоҳ бўлди, кечикибсизлар. Бола туғилиши билан унинг тарбияси ҳақида қайғуриш керак эди.

Хонбиби МАҲАМОВА тайёрлади

Мубтало бўлдим сенга

ёки калима қайтарган Қирол

Жаҳонгир САТТОРОВ,
Навоий вилоят прокуратурасига қарашли
Навоий ихтисослаштирилган прокурори,
Мансур АЛОВУДДИНОВ,
«Ishonch» мухбири

Азизлар, сабр таги — сариқ олтин дейдилар. Бориға шукур, йўғига сабр қилинса, кўпига ҳам эришилади, иншооллоҳ!

Қиролбой чарм курт-касани елкасига ташлаганча оҳиста қадам ташлаб борарди. Гузардаги дўконлар ёнида ҳиринглашиб турган икки ўртоғини учратиб, улар билан бироз суҳбатлашиб қолди.

— Хўш, жўра, ўзингмисан ишқилиб? Бунча олтин тангага ўхшаб ноёблашиб кетмасанг...

— Сўрама, бу киши тилла конида ишлаб бошлагандан буён қиммати ошиб борапти. Энди биз билан ҳисоблашиб ўтирармиди?

Қиролбой жўраларининг гиналарини кулиб енгмоқчи бўлди:

— Қўйсанглар-чи, ахир олтин бойитиш фабрикасига ишга ўтганим билан оддий бетончиман, холос. Бунинг устига, ўша сиз айтган олтин деганларининг ўзи тугул соясини ҳам кўрган эмасман.

— Бундай дема-да, жўра. Юрсанг-юраверасан итингни судраб. Бироз сергакроқ бўлмасанг...

— Тўғри-да, эсингдами, кўркув нималигини билмай, қоядаги бургут уяси томон кўтарилиб, патларидан олиб тушардик. Бироз бургут-кўзроқ бўлмасанг, тош билан тилланинг фарқига бормай юраверасан.

Ҳазил ўрнида айтилган бўлса-да, бу илмоқли сўзларда жон борга ўхшарди. Аввал ҳам бу ҳақда ўйлаган, аммо имкон йўллари тополмаган эди. Бугун яна ўйга толди: «Оббо, тупроқ-қумни ушласанг, бундоқ кўлингда юқи қолади. Зорманда ўша ярқироқ металдан нахотки бирор юқум топилмаса?!».

Навоий кон-металлургия комбинати Зарафшон қурилиш бошқармасига қарашли қурилиш-монтаж бўлими Маржонбулоқ олтинни бойитиш фабрикаси ҳудудида иш олиб борар, Қиролбой Худойназаров ҳам шу асосда 3 ойлик меҳнат шартномаси бўйича

ишга олинган эди. Мана, орадан икки ой ўтиб, қиш аёзи ҳукмини ўтказа бошлади ҳамки, бирор қўшимча даромаддан дарак йўқ. Қиролбой шуларни ўйларкан, ўзининг ношудлигидан ҳатто нафратланиб кетди. Шундай кунлардан бирида у яхлитроқ ишга жалб қилиниб қолди. Гуруҳ аъзолари фабриканинг асосий корпуси электролиз ва регионаци бўлимлари ўртасидаги бетон плиталарни буза бошлади. Бузилган бетон ва бошқа қурилиш материаллари бир-бир олиниб, корпус ёнига тахланарди: «Эҳ-ҳе, бу бир неча йил олдин қурилган девор. Қани энди «Олтин девор» спектаклидаги каби бирор мўъжиза рўй берса-ю олтин яширилган хум топиб олишса!».

Шундай олазарақликда ер қаърига ломни зарб билан ураркан, қизиқ тасодиф рўй берди. Бетон плиталар орасидан намчил смола ёпишиб ўтарди. У куёшнинг заррин нурида бирров жило таратиб, ўзига хослигини йигитга намоиш этиб қолди: «О-ҳо, ахир бу маҳсулот олтин билан тўйинтирилган-ку. Олтин миқдорини ажратиб сотса, ҳазилакам бойликка эга бўлмайди».

Қиролбой аввал ишлаганида ҳам шундай жозибадор маҳсулотга дуч келган, таркибида олтин мўллигини била туриб, бирор бир чора кўришга юраги бетламаган эди. Мана энди...

Йигитнинг патагига курт тушди. Дилининг тубига эса бир лаҳча чўғ тушиб, ҳаловатини бутунлай ўғирлаб қўйди. Лекин бу сирни биров билан баҳам кўриб бўларканми? Жон-жаҳди билан ишлаётган бўлса-да, бойликка хирси тушган йигитнинг хаёли бетонлар орасида қолганди.

Ҳамма тушлик тарадудиди. Орқароқда қолган Қиролбой битта халта топиб тўйинтирилган майин смола қатламларини ўраб, тез-тез унга жойлади. Кейин чор-атрофга аланглаганча қопни чиқитлар уюми орасига яхшилаб беркитиб қайтди.

Иш бўлгандан кейин иш-да. Доимо атрофида одамлар. Қиролбой қарийб бир ҳафта зорманда қопни девордан ташқарига олиб чиқиш

чорасини қидирди. Аксига, кучли аёз бошланиб, янги йил байрамига 3-4 кун қолганда ишчилар таътилга чиқариб юборилди. Шу зайл йигит кўнглининг битта парчаси халтага жойланган қимматбаҳо бойликда қолиб кетди. Гоҳида хаёлан, баъзида эса чиндан фабриканинг чангак симлар тортилган баланд девори атрофида ўралашиб юрадиган бўлиб қолди.

Бу ҳам етмагандек, қарийб ярим метр қалинликда қор ёғиб, яширган бойлигини топиши гумон бўлиб қолди. Олдинги осойишта ҳаётдан асар ҳам йўқ. Ҳатто тунлари уйқорча қочиб, алмойжалмойи тушлар кўрадиган бўлиб қолди: халтани зулмат ичида елкалаб қочаётган паллада гоҳи итлар галаси қувар.

«Тўхта, ота-ман!» деган ҳайқирик қулоқларини қоматга келтириб

Нижоят, у қаддини қироллардек тик тутиб, таваккал қилишга жазмэтди. Қорлар бироз эриганлигидан фойдаланиб, 2008 йил 31 январ кунитунги

соат 10-11 ларда уйдан чиқиб, йўловчи машинада Маржонбулоқ томон йўл олди. Олтин бойитиш фабрикаси яқинида тушиб қолгач, сокинлик сонияларини девор бурчагида ўтириб кутди.

Кейин олдиндан мўлжаллаб қўйган фабриканинг эски ошхонаси томон юрди. У ердан синган дераза орқали ичкарига бир амаллаб кирди қолди, қорнини захга бериб бироз ётди. Тун ярмига етгач, секин ҳаракат қилиб, яширган жойидан халтани топди. Қора чарм курткасини ечиб, юкни ўради-да, кўксига маҳкам босганча энгашган кўйи яна эски ошхона томон ўрмалади. Кутилмагандан анча яқин масофадан кетма-кет хуш-


так чалиниб, «Тўхта, ота-ман!» деган ҳайқирик қулоқларини қоматга келтириб

юборди.


У деразадан қандай отилиб чиқганини билмайди. Куртка ва халтасини ташлаб қочди. Охири тили осилиб, ўпкаси ҳалқумига келиб қолганида, дуч келган биринчи чуқурликка ўзини отди. Зулмат ва хавотирлар тарқалгач, тонг шафагида бети қизарганча, афтодаҳол бир алфозда уйига қайтди. Кўзларида ҳадик тўла Қиролбой чала-чулпа ёд олган калималарини бир неча марта қайтара бошлади.

Орадан 4-5 кун ўтиб, бир гуруҳ тезкор ходимлар Қиролбой Худойназаровнинг дарвозасини тақиллатишди. Унинг фабрика ҳудудидан 16.762 грамм, таркибида 33,2 грамм соф олтин мавжуд бўлган, умумий нархи 1.276.103 сўмлик тўйинтирилган смолани ўғирлашга уринганини тан олишдан бўлак чораси қолмаганди.

Жиноят ишини кўриб чиққан суд ҳайъати унга 2 йиллик ахлоқ тузатиш ишлари жазосини тайинлади.



XXIX ёзги Олимпиада ўйинлари бошланишига санокли кунлар қолди. Ҳамюртларимиз Ўзбекистон шарафини муносиб ҳимоя қилиш мақсадида беллашувларга қизгин ҳозирлик кўрмоқдалар.



Юртимиз байроғини баланд кўтариб

Спортчиларимизнинг Олимпиада ўйинларида муваффақиятли қатнашишига асос бўладиган омиллар кўп. Агарки тарихга назар ташласак, вакилларимизнинг медалсиз қайтмаганлигига гувоҳ бўламиз. 1996 йили АҚШнинг Атланта шаҳрида ўтказилган Олимпиадада юртимиз спортчилари илк бор мустақил жамоа сифатида қатнашиб, дзюдочилар Армен Багдасаров кумуш, боксчи Карим Тўлаганов бронза медалини қўлга киритган эди. Кейинги Олимпиадаларда медаллар сони янада ошди. 2000 йили Сиднейда (Австралия) боксчимиз Муҳаммадқодир Абдуллаев терма жамоамизга олтин медал келтирди. 2004 йили Афина Олимпиадасида эса эркин курашчи Артур Таймазов ҳамда юнон-рум кураши устаси Александр Доктуришвили шохсупанинг энг юқори по-

ғонасини банд этишди. Спортчилар Пекинга йўлланма олиш учун Олимпиада тарихидаги энг мураккаб саралаш босқичидан ўтишига тўғри келганини таъкидлаш лозим. Халқаро Олимпия Кўмитаси томонидан йўлланма берувчи лицензиялар қадрли янада ортиб, меъёрий кўрсаткичлар сезиларли даражада оширилганлиги баҳсларнинг кескинлигига ўз муҳрини босди, албатта.

Бугунги кунгача ўзбекистонлик спортчилардан эллик уч нафарининг лицензияси Халқаро Олимпия Кўмитаси томонидан тасдиқланди. Бу жараён давом этаётганини ҳисобга оладиган бўлсак, Пекинга борадиган спортчиларимиз сони янада ортиши мумкин. Ҳамюртларимиз «Пекин-2008» мусобақалари дастурига киритилган юнон-рум ва эркин кураш, бокс,

дзюдо, оғир атлетика, ўқ отиш, спорт гимнастикаси, байдарка ва каноэда эшак эшиш, енгил атлетика ва теннис каби спорт турларидан ўз маҳоратларини намойиш этадилар.

Юртимиз терма жамоаси таркибида етакчи спортчилар, хусусан, эркин курашчилар Артур Таймазов, Дилшод Мансуров, боксчи Баҳодир Султонов, дзюдочилар Абдулла Тангриевларнинг аввалги Олимпиада ўйинларида ортирган тажрибаси бу сафар ҳам асқотишига ишонамиз.

Гимнастика устаси Антон Фокин, каноэда эшак эшиш бўйича Осиё ўйинлари ва қитъа чемпионати ғолиби Вадим Меньков, енгил атлетиканинг баландликка сакраш тури бўйича ўсмирлар ўртасида жаҳон чемпиони Светлана Радзивил, моҳир таэквондочилар Акмал Эргашевлардан умидимиз катта.

«Пляж футболлари»

«Севинч»нинг навбатдаги ғалабаси

Қарши шаҳридаги «Аёллар ва болалар спорт маркази» мажмуасида пляж футболлари бўйича аёллар ўртасида Ўзбекистон II чемпионати баҳслари бўлиб ўтди.

Бир гуруҳда тўп сурган Қаршининг «Севинч» ва Бухоронинг «Ёшлик» жамоалари финалда яна ўзаро учрашишларига тўғри келди. Гуруҳдаги беллашувда 5:3 ҳисобида ғолиб чиққан мусобақанинг амалдаги ғолиби ҳал қилувчи баҳсда ҳам устунликка эришди. Бу галги ўйин 6:3 ҳисоби билан ниҳоясига етди.

Мусобақа яқунлангач, саккизта номинация бўйича «энг яхши»лар аниқланди.

Совриндорлар:

- «Энг яхши дарвозабон» – Нодира Думаева («Жиззах»)
- «Энг яхши ҳимоячи» – Муҳайё Жўраева («Когон»)
- «Энг яхши ҳужумчи» – Ситора Назарова («Университет»)
- «Энг яхши ўйинчи» – Махфуза Туропова («Севинч»)
- «Энг яхши тўпура» – Насиба Турсунова («Шердор»)
- «Муҳлислар олқишига сазовор бўлган ўйинчи» – Кристина Чунакова («Олимпик»)
- «Энг чиройли гол» – Камола Рискиева («Ёшлик»)
- «Энг техникали ўйинчи» – Фазилат Бахромова («Гулбахор»)



«Юнон-рум кураши»

Боку шаҳрида юнон-рум кураши бўйича ўтказилган «Гран-при» туркумига кирувчи анъанавий халқаро турнирда дунёнинг ўндан ортик мамлакатидан ташриф буюрган энг кучли курашчилар сафида ҳамюртларимиз ҳам ғолиблик учун гиламга чиқди.



Европа чемпионлари ТОШКЕНТДА

Испаниялик Европа чемпионлари – Карлес Пуйол, Андреас Иньеста ва Францеск Фабрегас Тошкентга ташриф дастури доирасида «Интерконтинентал» меҳмонхонасининг «Биллур» залида журналистлар билан матбуот анжуманида иштирок этишди.

Дастлаб, футболчилар орасида энг тажрибалиси бўлган Карлес Пуйол Ўзбекистон пой-

тахтига ташрифдан кўзланган асосий мақсад ҳақида сўз юритди.

«Бизнинг асосий мақсадимиз Ўзбекистон ва унинг футболлари билан танишиш. Шунингдек, ўз билим ва маҳоратимизни маҳаллий ёш футболчиларга намойиш қилиш учун келдик. Бу ерда ҳеч қандай шартнома имзолаш ҳақида гап

бўлиши мумкин эмас, бироқ келажакда ким билади дейсиз, балки яна ташриф буюриб, маҳаллий жамоаларда тўп ҳам сурармиз», — деди «Барселона» сардори.

Бундан ташқари, ҳозирги кунда замонавий футболнинг энг ёрқин вакиллари билан бири Францеск Фабрегас ўз амплуасида қайси ўйинчини энг зўр деб билишини айтиб ўтди.

«Дунёда кўпга яхши футболчилар мавжуд. Бироқ ёшлигимдан «Барселона»нинг ҳозирги устаси Хосеп Гвардиолага ўхшаб тўп суршни истардим. Айни пайтда Жаҳон футболларида ўз ўрнига эга бўлган ва муҳим рол ўйнавчи ўйинчилар орасида эса, ўз дўстларим Хави ва Иньестани алоҳида ажратиб кўрсатган бўлардим, — деди «Арсенал» ярим ҳимоячиси.

Андреас Иньеста эса, маҳаллий ошхонани мактади ва шунингдек, ҳозирги кунда бразилиялик Какани дунёдаги энг кучли ярим ҳимоячи сифатида эътироф этди.

— Менга бу ернинг миллий таомлари жуда ёқди, шунингдек, ҳўл меваларга ҳам гап йўқ. Ўз амплуамда тўп сурувчи энг яхши футболчи масаласига келсак, менинг назаримда айни пайтда «Милан» ярим ҳимоячиси Кака шу номга лойиқ. Унда футболчи учун керакли бўлган бир қатор ижобий ҳислатлар мавжуд — деди Иньеста.

Илёс янги жамоада

Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси Илёс Зейтуллаев Италиянинг «Верона» клубидан «Пескара» сафига ўтди. Зейтуллаевнинг янги клуби ҳам худди «Верона» каби Италиянинг «С» сериясида иштирок этади. Ўтган мавсумда «Пескара» серияда 7-ўринни эгаллади. Таъкидлаш лозимки, чамаси бир ой давомида Ўзбекистонда дам олган Зейтуллаев яқинда Италияга қайтиб кетди.

Курашчимиз шохсупада

Мусобақада Ўзбекистон терма жамоаси аъзоларидан Дилшод Орипов 60 кг. вазн тоифасида учинчи погонани банд этиб, бронза медали билан тақдирланди. Ушбу турнир курашчиларимиз учун Пекинда бўладиган Олимпиада ўйинлари олдида тийёргарлик вазифини ўтади.

Эслатиб ўтамиз, 8-24 август кунлари ўтказиладиган Олимпиада ўйинларида юнон-рум кураши беллашувларида мамлакатимиз шарафини Дилшод Орипов билан бир қаторда Элдор Ҳафизов ва Давид Солдадзе ҳимоя қилади.

«Қурувчи» - «Динамо» 1:0

Ўзбекистон Кубогининг 1/4 финал жавоб учрашуви доирасида Тошкентнинг «Қурувчи» жамоаси Самарқанднинг «Динамо»сини қабул қилиб, 1:0 ҳисобида ғалаба қозонди. Ўйиннинг 17-дақиқасида Ўзбекистон миллий терма жамоаси ярим ҳимоячиси Азиз Ҳайдаровнинг узоқ масофадан йўллаган кучли зарбаси Горвиц қўриқлаётган дарвозадан ўрин олди. Самарқанддаги беллашувда ҳам шундай ҳисобда зафар қучган «қалдирғочлар» икки ўйин натижасига кўра, ярим финалга йўл олишди. Энди Миржалол Қосимов шогирдлари мусобақанинг 1/2 финал босқичида ОТМК билан куч синашади



Нарзулла МАХАМОВ тийёргарди

Ким? Қачон? Қаерда?

Беларусда фуқаролар ҳақидаги маълумотларни ҳисобга олишнинг ягона тизими яратилади. Мамлакат президенти Александр Лукашенко 22 июл куни «Аҳоли регистри тўғрисида»ги қонунни имзолади. Янги маълумотлар базасига турли давлат органларида жисмоний шахслар ҳақидаги мавжуд маълумотлар бирлаштирилади. Унда ҳеч бир истисносиз ҳар бир одамнинг исми, фамилияси, отасининг исми, туғилган ва вафот этган санаси, фуқаролиги, оилавий аҳволи, яшаш жойи, касби ҳақидаги маълумотлар сақланади. Беларуснинг ҳар бир фуқаросига ўзига хос идентификация номери берилади. Янги тизимни шакллантириш учун фуқаролардан ҳеч қандай маълумот талаб қилинмайди.



Авиакомпания ёрдамга муҳтож

Аргентина ҳукумати мамлакатдаги энг йирик авиакомпаниялардан бири бўлмиш «Aerolineas Argentinas»нинг 94,4 фоиз акциясини Испаниянинг «Grupo Marsans» сайёҳлик ва транспорт компаниясидан сотиб олиш ҳақида фармон чиқарди. Ҳозирча бўлажак битимнинг суммаси ошкор қилинмапти. Шу тариқа ҳукумат авиакомпаниянинг банкротликдан қутулишига ёрдам бермоқчи. Чунки 2008 йил июн ойининг охирига келиб авиакомпаниянинг қарзи 890 млн. долларга етди.




Прокуратура инфляцияга қарши

Россия Бош прокуратураси ҳузурида инфляцияга қарши курашувчи идоралараро гуруҳ тузилади. Унга Ички ишлар, Транспорт ва Қишлоқ хўжалиги вазирликлари, шунингдек, Монополияга қарши кураш федерал хизмати, Тарифлар бўйича федерал хизмат, шунингдек, Молия бозорлари бўйича федерал хизмат вакиллари киритилади. Қизиги шундаки, Молия ва Иқтисодий ривожланиш вазирликларининг ходимлари гуруҳга таклиф қилинмаган.

Янги орган инфляцияга қарши қай тарзда курашиши ва бу қандай самара бериши ҳозирча маълум эмас.

Шу ўринда ушбу ойнинг ўрталарида Россияда пулнинг қадрсизланиши 9 фоиздан ошганини таъкидлаш жоиз. 2007 йили эса истеъмол товарларининг баҳоси режадаги 8 фоиз ўрнига 11,9 фоиз қимматлашган.



Вақт — пул...

«Reuters» агентлиги душанба куни тарқатган хабарда айтилишича, Американинг NBC телекомпанияси Пекин-2008 Олимпиадаси трансляцияси вақтида намоиш этиладиган реклама вақтини 900 млн. доллардан кўпроқ пулга сотишга муваффақ бўлган. NBC раҳбарияти Олимпиада бошлангунча қолган бўш вақтни ҳам камида 100 млн. долларга сотиш ниятида.

Олимпиадани АҚШ ҳудудида трансляция қилиш ҳуқуқини қўлга киритиш учун NBC Халқаро олимпия кўмитаси (ХОҚ)га 894 млн. доллар тўлади.

Телеканал олимпиададан бевосита ва ёзиб олинган ҳолда намоиш қилинадиган 4 минг соатлик кўрсатув тайёрлашни режалаштирган. Илгарилари Американинг ҳеч бир телеканали Олимпиадага бу қадар катта эътибор қаратмаган эди.

Ҳатто NBCнинг сўрови билан ХОҚ трансляция ҳуқуқини сотиш Олимпиаданинг даромад келтирувчи асосий манбаларидан бири эканлигини рўқач қилиб, Пекин-2008 ўйинлари жадвалига ўзгартириш киритди.

Қочоқ қопқонга тушди


Босния сербларининг собиқ раҳбари Радован Каражични қўлга олишда Буюкбритания ва АҚШ махсус хизматлари жонбозлик кўрсатган. «Financial Times» газетасининг чоршанба кунги сониди шундай дейилган.

Газетада ёзилишича, мазкур давлатларнинг разведкалари Сербия ҳукумати билан яқиндан ҳамкорлик қилиб, Каражичнинг яшаш жойини аниқлашган ва бу ҳақда серб махсус хизматига маълум қилишган.

Расмий маълумотларда Каражичнинг 21 июл куни хибсга олинганлиги айтилсада, унинг адвокати Светозар Вуячич мижози 18 июл куни Белград яқинида автобусда кетаётганида ушланганини таъкидлапти.

Хабарларга кўра, Радован Каражич хибсга олинганга қадар Драган Дабич деган сохта ном билан Белградда эмин-эркин яшаган ва ишлаган.

Сербия ҳукумати Каражични Гаага трибуналига топширишга қарор қилган. Унинг адвокатлари эса бунга йўл қўймаслик учун апелляция шикоятни бериш ниятида.




Рус компаниялари Венесуэлада

Нефтга бой Венесуэла Нефт экспорт қилувчи давлатлар ташкилоти — ОПЕКда муҳим ўрин тутлади. Ушбу мамлакат президенти Уго Чавес Россия пойтахтига ташриф буюриб, ТНК-ВР, «Газпром» ва «Лукойл» компанияларининг Венесуэла ҳудудидан нефт конларини излаб топишига рухсат берилганини маълум қилди.

Чавеснинг гапига қараганда, унинг мамлақати Россияни нефт соҳасида ҳам, ҳарбий-техникавий соҳада ҳам стратегик ҳамкор деб билади. Бунга жавобан президент Дмитрий Медведев Россия Венесуэла билан ҳамкорликни давом эттиришини билдирди.

Таъкидлаш жоизки, Венесуэла Жанубий Америка давлатлари орасида рус қурол-яроғларининг энг йирик харидори ҳисобланади.



Манекенчи-робот

Япониянинг Кобе шаҳридаги илмий текшириш институти олимлари манекенчи-робот яратдилар. Маълумотларга кўра, мазкур "гўзал қиз" алюминийдан тайёрланган бўлиб, унинг бўйи бир юз олти сантиметрга тенг. Ушбу робот мобил телефонлар ёрдамида бошқарилади.

Сўнги йилларда Японияда кундалик ҳаётда ва саноатда турли юмушларни бажарадиган роботлар ишлаб чиқариш жадал ривожланмоқда. Маълумотларга қараганда, 2025 йилга бориб мамлакатда кундалик юмушларни бажарадиган роботлар тайёрлашга олти миллиард АҚШ доллари сарфланади. Айни вақтда бу кўрсаткич қарийб беш миллиард долларга етган.



Мутаж Жолта башорати

(28 июль - 3 август)

КУЙ Иш жойингизда ижобий натижаларга эришмоқчи бўлсангиз, кўпроқ изланинг, атрофдагиларга ҳурмат билан ёндошинг. Муаммолар олдида қўл қовуштириб ўтирманг. Уларни бартараф этишга ҳаракат қилинг. Қариндошлар ва яқинларингиз билан самимий бўлинг. Дам олиш кунларини оилангиз даврасида ўтказинг.

БУЗОК Ҳаёлот дунёсига берилмасдан амалий ишга ўтинг. Ҳамкорлар билан учрашувлар, янги бизнес режалар тузишга ундайди. Ташқи кўринишингизга эътибор беринг. Бўш вақтингизни кутубхона ва кўнгличлар давраларда ўтказганингиз яқши.

ЭҒИЗАҚЛАР Ишдаги муаммолардан озгина дам олинг. Ҳужжатлар ва иш жойингизни тартибга келтиринг. Ҳафта давомида зийрак бўлинг ва расмий учрашувларга кеч қолмасликка ҳаракат қилинг. Дам олиш кунларини тоғ ёнбағрида ўтказган маъқул.

ҚИСКИЧБАҚА Ҳафта бошида тузилган режалар ҳафтанинг охирида чиптака чиқиши мумкин. Пул билан боғлиқ ишларда эҳтиёткор бўлинг. Уй-рўзгордаги керакسىз буюмлардан фориғ бўлинг. Дам олиш кунларида фарзандларингиз билан театр ва музейларга таширф буюриш дунёқарашингизни кенгайтиради.

АРСЛОН Тадбиркорлик ишингизда рақобатчилар пайдо бўлади. Таваккал иш қилманг. Иш жойингизда раҳбарингиз билан жиддий муаммолар ҳақида тортишманг. Бу унинг норозилигига ва асабиллашишига сабаб бўлади. Жума кўни хизмат сафарига чиқиш омадли эканини унутманг.

ПАРИЗОД Ўзингиз ҳақингиздаги миш-мишларга ишонманг. Уй-рўзгор ишларидаги муаммоларни турмуш ўртоғингиз билан бирга, бамаънаҳ ҳал қилинг. Соғлигингизга эътибор беринг. Гина-аразларни унутиб яқинларингиз билан ярашиб олиш фойдадан холи бўлмайд.

ТАРОЗИ Ҳафта бошида яқинларингиз ва дўстларингиз ёрдамларини рад этманг. Тўғриси ва ўз мақсади сари интилувчан «тарозилар» шу ҳафтада ўз ниятларига эришадилар. Соч турмагингизни ўзгартиринг, янада кўркамлашасиз.

ЧАЕН Емон ҳаёлларга бормасдан оптимистик руҳда фикр юритишга ҳаракат қилинг. Электр асбоблари ва техника билан ишлашда эҳтиёткор бўлинг. Ҳар бир ишда яқинларингиз билан маслаҳатлашинг, уларнинг берган ноб маслаҳатлари сизни хато қилмасликка ундайди.

УКОТАР Янги уйга кўчиб ўтишни ҳафтанинг бошига режалаштиринг. Қариндошлар ва ўзингизга яқин кишиларни зиёрат қилинг. Таваккал уйинлар, қозинларга боришдан сақланинг. Маълагингизни фарзандларингиз соғлиғи учун сарфланг. Қутулмаган совғалар оласиз.

ТОҒ ЭЧКИСИ Қўп изланишлар натижасида номзодлик диссертациясини тугатиб оласиз. Фарзандларингиз ва турмуш ўртоғингизни салат ва ширинликлар пишириш билан хурсанд қилинг. Ҳафта романтик учрашувларга бой бўлади. Ўз хонангизни хушбўй ҳид таратувчи гуллар билан безатинг.

КОВГА Душанба ва жума кунлари хизмат сафарларига чиқиш яқши натижа беради. Жиддий учрашув, шартномалар имзолаш, ипотека кредитлари олишни сешанбага режалаштирган маъқул. Жисмоний тарбия билан шўғулланинг. Дам олиш кўни меҳмонга боришингиз қўтилмоқда.

БАЛИК Атрофингизда содир бўлаётган ўзгаришларга оптимистик руҳда назар ташланг. Фарзандларингиз соғлиғи ҳақида қайғуринг. Хонадонингизни саришта туттишга ҳаракат қилинг. Таъмирлаш ишларини ҳафта бошига режалаштиривганингиз маъқул.

Мушукдан сақланинг!

Ҳайвон — одамнинг дўсти. Бу ҳукми ҳали ҳам ҳеч ким инкор этаётгани йўқ. Бироқ ҳаётда шундай ҳодисалар ҳам рўй бериб турадики, беихтиёр қабатингизда беозоргина турган вафодорингизга даҳшат билан тикилиб қоласиз.

Яқинда Толятти (Россия)да ҳайвонларнинг қутуриши билан боғлиқ яна бир воқеа рўйхатга олинди: касалланган мушук ўз хўжайинига ҳужум қилган. Аниқланишича, у май ойдан буён эгаси билан дала ҳовлида бирга яшар, иккови кўчаларда бемалол сайр қилиб юришар экан. Аммо июлнинг ўрталарида мушук тўсатдан хонадоннинг икки аъзосига ҳужум қилишни бошлаган. Сўнг жазавага тушган жониворни ҳайвонот шифохонасига келтиришган ва у дарҳол алоҳида «палата»га жойлаштирилган. Икки кун ўтгач эса, сабил қолгур оламдан ўтган. Текширишлар натижаси унинг кутурганини кўрсатди. Ҳозирги вақтда барча одамлар ва уй ҳайвонлари қутуришга қарши эмланмоқда.

Хонаси келганда таъкидлаш жоизки, Толяттида йил бошидан бери бу билан учинчи бор ҳайвонларнинг қутуриши кузатилмоқда. Хусусан, илгарироқ шаҳар атрофида кутурган иккита тулки ҳужумидан олти киши жароҳатланган эди.




Кўшиқчиларнинг янги рекорди

Бир гуруҳ ҳаваскор фин кўшиқчилари караоке-клубда 18 кун, яъни 446 соат 4 дақиқа давомида тинимсиз ашула айтиб, янги жаҳон рекордини ўрнатишди. Бу натижа Гиннеснинг рекордлар китобидан жой олди.

Тадбир пойтахт Хелсинки яқинидаги Коувала шаҳарчаси клубларидан бирида 2 июлдан 21 июлгача давом этди. Бу муддат яна давом этиши мумкин эди. Жамоа аъзоларининг арзимас хатоси туфайли тадбир тўхтатилган. Гап шундаки, кўшиқчилар 2 соат давомида битта кўшиққа жўровоз бўлишган. Бу конкурс қоидаларига хилоф эди.

— Аввалига хатомиз учун бироз ранжидик, лекин олдинги рекорддан икки баравар яқши натижа кўрсатганимиз бизни қувонтирмоқда, — дейди жамоа аъзоларидан бири. Эслатиб ўтамиз, аввалги рекорд Хитойдаги караоке-клублардан бирида ўрнатилган бўлиб, унда кўшиқчилар 214 соат давомида тинимсиз кўшиқ қуйлашган.



Изоҳи сиздан...



— Башаранг қийиқ бўлса, ойнадан ўпкалама, Дея келинингизга айтиб қўйибман билмай. Бунинг ҳазил эканин англамагани дейман, Кўзгуларни синдириб чиқибди битта қўймай. Мана энди соқолни ололмайин ҳалакман, Жанжал чиқармасам, қанчалар эди роҳат. Охир иложин топдим, замонадан ўргилай, Компютерни чиқарган олимларга минг раҳмат.
Сарвиноз КОМИЛОВА,
2-Тошкент юридик коллежи талабаси



Ахборот, янгиликни Изласа ким тўқмас тер. Ҳатто соқол олишни Ўргатмоқда компютер.

Асадулла МИРЗААКБАРОВ,
«Ҳамкорбанк» ОАТБ бирлашган касаба уюшмалари кўмитаси раиси



Энди навбатдаги суратга изоҳ топинг-чи?

Компютерни кун бўйи Титқилайман, қўймайман. Лекин соқол олишдан Бошқасини билмайман.
Нурзод РАЖАБОВ, Тошкент шаҳри

Ishonch МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси	Бош муҳаррир Абдухолик АБДУРАЗЗОҚОВ	Бизга кўнгироқ қилинг: Котибият: 256-52-78 Хатлар бўлими: 256-85-43	Бизнинг манзил: 100165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй, Нашр кўрсаткичи: 133; 134	Газета ҳафтанинг сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади.	Навбатчи котиб - Ж.Шарофбоев Навбатчи - А.Абдуллаев Мусахҳих - Ш.Абдусаматов
	Таҳрир хайъати: Алла Долженкова, Анвар Юнусов, Довуд Мадиев (Бош муҳаррир ўринбосари), Жаҳонгир Шарофбоев (масъул котиб), Маъмура Адилова, Мирзохид Содиқов, Нормамат Аллаёров, Носирхон Акбаров, Ойсулув Нафасова, Пиримкул Қодиров, Соғиндиқ Ниетуллаев, Шамси Эсонбоев	Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0116-рақам билан рўйхатга олинган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-3. Ҳажми 4 босма табоқ.	«Шарк» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.	Муаллифлар фикри таҳририят нуктаи назаридан фарқлиниши мумкин. Нашримиздан кўчириб босилганда «Ishonch»дан олинганлиги кўрсатилиши шарт. Тижорат аҳамиятига молик материаллар белгиси остида чоп этилади.	Саҳифаловчи-дизайнер: Х.Абдужалилов Буюртма Г- 614 Тиражи: 10766 Босишга топшириш вақти - 21.00 Топширилди - 21.00 Сотушда эркин нархда 1 2 3 4 6 7 8